Қишлоқ ҳақиқати

قیشلاق حقیقاتی

1993 йил 8 апрель
ПАЙШАНБА
№ 40 (5.483).
НАРХИ: ОБУНАЧИГА 3 СЎМ, СОТУВДА 3 СЎМ.

Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-сиёсий газетаси • 1974 йил 1 январдан чиқа бошлаган

НАҚШБАНДИЙ ҲОКИНИ ТАВОФ АЙЛАБ

Ўзбекистонда меҳмон бўлиб турган Туркия Республикаси Президенти Турғут Ўзол мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов ҳамроҳлигида 6 апрель куни Бухорога келди.

Икки қардош давлат раҳбарлари Ўзбекистон ва Туркия давлат байроқлари ҳамда турфа қутлов лавҳалари билан безатилган Бухоройи шариф тайёрагоҳида Ўзбекона меҳмоннавозлик билан кутиб олинди.

Миллий либослардаги ўзбек қизлари, шунингдек Бухородаги турк лицейи талабалари ҳурматли меҳмонларга гуллар билан пешвоз чиқишди.

Меҳмонларни қутиб олиш маросимида Бухоро вилояти ҳокими Д. Ёдгоров, Бухоро шаҳри ҳокими У. Носиров ва бошқа расмий кишилар ҳозир бўлдилар.

Ўзбекистон ва Туркия давлат раҳбарлари ҳамда уларнинг ҳамроҳлари Ислом оламининг буюк алломаларидан бири, ватандошимиз Баҳоуддин Нақшбандий ҳазратлари зиёратгоҳига йўл олдилар. Зиёратгоҳда Туркия Республикаси Президенти Турғут Ўзол жаноблари пойига мусулмончилик анъаналарига нўра қўй сўйилди.

Баҳоуддин Нақшбандий масжидининг имом хатиби Мухтор ҳожи Абдуллаев Туркия Президентини шу йилнинг сентябрь ойида Нақшбандий ҳазратларининг 675 йиллик тўйида қатнашишга таклиф этди. Туркия Республикаси Президенти ва унга ҳамроҳ бўлиб келган турк ишбилармонлари ҳазрат Баҳоуддин Нақшбандий масжидига 45 минг доллар хайрия қилишди.

Сўнгра ҳурматли меҳмонлар Бухоройи шарифнинг тарихий-меъморчилик обидалари — Ситораи Моҳи хоса, Исмоил Сомоний мақбараси, Пойи Калон меъморий мажмуи ва Лаби Ҳовузни зиёрат қилдилар ҳамда Бухородаги турк миллий маданияти маркази фаоллари билан учрашдилар.

Туркия ва Ўзбекистон давлат раҳбарлари ҳамда уларнинг ҳамроҳлари шу куни Бухородан Тошкентга қайтиб келишди.

Тошкент тайёрагоҳида олий мартабали меҳмон ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовни Республика Олий Кенгаши раиси Ш. Йўлдошев, Бош вазир А. Муталов, Тошкент шаҳар ҳокими А. Фозилбеков ва бошқа расмий кишилар кутиб олди.

(ЎзА).

ЭЛНИ СИЙЛАГАННИ ЭЛ СИЙЛАЙДИ

Аввал хабар қилинганидек, Президент Ислом Каримов 3 апрель куни халқ депутатлари Жиззах вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида иштирок этиб, нутқ сўзлади. Кун тартибидаги асосий масалага ўтишдан олдин республикамизда, жумладан, Жиззах вилоятида мавжуд ижтимоий-иқтисодий вазият тўғрисида сўзламоқчиман, деди Президент нутқи аввалида. Бу нарса шунинг учун ҳам муҳимки, муҳтарам депутатларда бугун сессияда кўриб чиқилаётган масала ҳақида эътироз-га сабаб бўладиган тушунмовчиликлар қолмаслиги керак.

МДҲ таркибига кирувчи кўпгина республикалардан фарқли ўлароқ Ўзбекистонда осойишталик ҳукм сураётир. Тўғри, бизда ҳам маълум даражада қийинчиликлар бор. Аммо биз республика бюджетидан каттакатта пул маблағлари, керак бўлса валюта сарфлаб, одамларимиз турмушида етишмовчилик бўлмаслиги чораларини кўряпмиз. Шунинг учун ҳам бизда ғарибу ғурабо йўқ. Нафақалар, стипендиялар ва иш ҳақлари босқичма-босқич ошириб борилмоқда.

Жиззахликлар азалдан меҳнаткаш, қалби очиқ, саховатли инсонлардир, деди Президент, уларнинг бу ажойиб фазилатлари ўтган йили ўзбек элининг ардоқли фарзанди, давлат ва жамоат арбоби Шароф Рашидов туғилган кунинг 75 йиллиги тантаналарида яққол кўринди.

Хабарларингиз бор, 1992 йилнинг бошларида Мирзачўл районида халқ депутатлари Жиззах вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сайёр сессиясини ўтказиб, Эркин Турсуновни бир овоздан ҳоким этиб сайлаган эдик. Орадан бир йилдан сал кўп вақт ўтди. Шу вақт оралиғида бирмунча ишлар қилинди. Бундан кўз юммаймиз. Аммо вилоятдаги ишларда камчилик кўпайиб кетди. Ижтимоий-сиёсий аҳволда заифлашиш бор. Жиноятчилик авж оляпти. Халқ хўжалиги соҳаларида ўсиш суръати пасаймоқда. Бошқарув ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Энг ёмони — вилоятда гуруҳбозлик кучайиб кетди. Айниқса, кейинги пайтларда. Бу ҳол республика ҳукуматини ташвишлантирмай қолмайди. Юксак мартабали раҳбарлар бир-бирларига пойлоқчилик қилиб, камчилик топиш пайига тушишди. Оқибат шу бўлдики, қишлоқ хўжалигида аҳвол ёмонлашди. 1992 йилда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш ва сотиш бўйича олинган режалар кўп ҳолларда уддаланмади. Пахта тайёрлаш миқдори 1991 йил билан таққослаб кўрилганида 60 минг тонна камайди.

Чорвачиликда ҳам жуда кўп камчиликлар бор. Гўшт ва сут етказиш режалари уддаланмади. Озуқа экинлари ҳосилдорлиги жуда паст.

Холисона айтадиган бўлсак, ўтган йил ёмон келмади. Фақат ишни оқилона ташкил этиш, раҳбарларга хос қатъият ҳамма жойда ҳам яққол намоён бўлавермади. Натижада кейинги йилларда иқтисодий жиҳатдан ночор аҳволга тушиб қолган хўжаликлар кўпайди.

Мен қишлоқ хўжалигидаги салбий аҳвол учун деҳқонлар, пахтакорлар, чорвадорларни ва бошқа касб эгаларини айбламоқчи эмасман. Меҳнаткаш халқ вакилларида асло айб йўқ. Буни бир мисолда кўришимиз мумкин. Маълумки, лалмикор ерларда ҳосилдорлик паст. Олимлар бу соҳада кўп изланишлар олиб боряпти. Лекин уларнинг маслаҳатларини раҳбарлар инобатга олмаяпти. Сизларда «Дон» илмий-ишлаб чиқариш институти (Ғаллаорол тумани) олимлари яхши ғалла навини яратди. Лекин, шу нав ҳосилдорлиги яхши ва касалликка чидамли эканига қарамай, эъ-

(Давоми иккинчи бетда).

ХУШ КЎРДИК, АЗИЗ БИРОДАРЛАР!

7 апрель куни Тошкент тайёрагоҳида мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Туркия Республикаси Президенти. Турғут Ўзол бошчилигидаги расмий делегация аъзоларини кузатиш маросими бўлди.

Ҳар икки мамлакат Президентлари оммавий ахборот воситаларига берган баёнотларида ниҳоясига етаётган сафар ғоят самарали бўлганини алоҳида таъкидладилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов олий мартабали меҳмон — Турғут Ўзол жанобларини бутун сафар давомида жумҳуриятимиз раҳбарларигина эмас, оддий меҳнаткаш халқ ҳам улкан меҳр-муҳаббат билан қарши олганини ифтихор билан қайд этди. Бу халқимиз орасида Туркия Президентининг обрўси ортиб бораётганидан далолатдир. Халқимиз жаноб Турғут Ўзолнинг Ўзбек-турк дўстлигини мустаҳкамлаш борасидаги ҳиссасига юксак баҳо бермоқда. Аслида биз — Ўзбеклар ва турклар икки алоҳида мамлакатда яшаётган бир халқмиз, — деди Ўзбекистон Президенти.

Туркия давлат раҳбари сафар давомида муҳим ҳужжатлар имзоланганидан мамнуният изҳор этар экан, бўлиб ўтган музокаралар, мулоқотлар натижалари. Ўзбек ва турк халқларининг 11—12 асрлардан бошланган иқтисодий маданий алоқалари ривожига янада кенг имкониятлар очажагига ишонч билдирди.

Сўнг Туркия Республикаси Президенти Ўзбекистон давлат ва ҳукумат раҳбарлари, тайёрагоҳда ҳозир бўлган дипломатия ваколатхоналарининг вакиллари билан самимий хайрлашди.

Олий мартабали меҳмон ва унга ҳамроҳлик қилаётган расмий делегация аъзолари Бишкекка жўнаб кетдилар.

Делегация аъзоларини республика Олий Кенгаши Раиси Шавкат Йўлдошев, Бош вазир Абдулҳошим Муталов, Тошкент шаҳар ҳокими Адҳамбек Фозилбеков ва бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар.

(ЎзА).

ТУРҒУТ ЎЗОЛ ҚИРҒИЗИСТОНГА КЕЛДИ

РАТА-ТАСС мухбирининг бугун Бишкекдан хабар қилишича, Туркия Республикасининг Президенти Турғут Ўзол Қирғизистонга расмий ташриф буюрди. Уч кун давом этадиган ташриф вақтида Қирғизистон билан Туркия ўртасида ҳукуматлараро ҳужжатларни имзолаш, шунингдек Турғут Ўзолнинг республика раҳбарлари, олимлари, ишбилармонлари билан учрашувлари режалаштирилмоқда.

(ЎзА).

Пайариқ районидаги «Халқобод» ижара хўжалигининг азамат чорвадорлари қўзилатиш мавсумини кўнгилдагидек ўтказиш учун астойдил меҳнат қилмоқдалар. Хўжаликнинг 1-«Ғаллакор» бўлимидаги Искан Ўринов бош чўпон бўлган отарда қўзилатиш қизғин паллага кирди. Бу ерда 490 совлиқнинг ҳар юзидан 105 тадан дуркун қўзи олишга эришилмоқда. Шундан 85 таси ўстиришга қолдирилади.

СУРАТДА: бош чўпон Искан Ўринов ўғли Асомиддин билан.

О. ХУДОЙБЕРДИЕВ олган сурат.

Ижтимоий ҳимоялаш таянчи

ПРЕЗИДЕНТ ТАДБИРЛАРИ Наманганга НИМА БЕРДИ

● 1992 йили «Наманганга з» ишлаб чиқариш бирлашмаси газлаштириш режасини 230 фоизга бажариб, 18.584 хонадон эгаларини хушнуд этди.

● Ҳозирги кунда вилоят фуқароларидан 1.255 киши имтиёзли равишда табиий газ, электр қуввати, ичимлик суви, ёқилғидан фойдаланаяпти.

● Ўтган йили 211 нафар уруш ногирони ва қатнашчиси, 1.533 нафар ҳалок бўлган ҳарбий хизматчи оиласи, 300 нафар байналмилалчи жангчига якка тартибда уй-жой қуриш учун ер ажратилди.

● Бир йил ичида умумий майдони 33,9 минг квадрат метр бўлган 522 та квартира фуқароларга шахсий мулк сифатида расмийлаштирилди.

● 1992 йили Чернобил фожиаларини тугатишда қатнашган кишиларга умумий майдони 2. 900 квадрат метр бўлган 20 та квартира, I—II гуруҳ ногиронлар оиласига 18 та, меҳнатга яроқсиз бўлганларга 31 та, 1-гуруҳ кўзи ожизларга 11 та квартира шахсий мулк сифатида берилди

● Вилоятдаги сабзавот, полиз, картошка уруғчилик бирлашмасининг 7 та дўкони орқали қисқа вақт ичида 8.238 килограмм турли экинларнинг уруғи томорқачиларга сотилганди. Жорий йилда эса 1 миллион 200 минг сўмлик хизмат кўрсатиш кўзда тутилмоқда.

АНОРЗОРЛАР КЕНГАЙМОҚДА

Анор эл севиб истеъмол қиладиган шифобахш ноз-неъмат. Фарғона водийсининг ери, суви, иқлим шароити бу экинни ўстиришга жуда мос. Шу боис намангланликлар хосиятли неъматга эътиборни кучайтирдилар. Вилоят ҳокимлиги бу борадаги имкониятларни ўрганиб, бўш ётган ерлар ҳисобига янги ихтисослашган хўжалик ташкил этишни Ҳакимжон Ҳошимов раҳбарлик қилаётган «Наманганремвод» ишлаб чиқариш бирлашмасига топширди. Об-ҳаёт етакловчилар Чуст районидаги «Чуст», «Москва» хўжаликлари ҳудудидаги 500 гектар ташландиқ ерни ўзлаштириб, аноршунослик хўжалигига асос солдилар. Қисқа фурсатда бу ерларда катта ҳажмда текислаш ишлари бажарилди. Сув йўллари очилди. Бунинг учун бир неча миллион сўм маблағ сарфланди. Ихтисослашган давлат хўжалиги жамоаси сара кўчатлар етказиб берди.

Яқинда бу ерда дастлабки анор кўчатлари тантанали суръатда ўтқазилди. Шу куни ирригаторлар 5 гектар ерда анорзор барпо этдилар. Умуман бу йилги баҳорда 50 гектар ерда янги анорзор вужудга келади.

ДАЛАЛАРДА МЕҲНАТ СУРУРИ

ЧИГИТНИ СИФАТЛИ ЭКИШ— МЎЛ ҲОСИЛ ГАРОВИ

Пахтадан мўл ва эртанги ҳосил етиштириш ва сифатли тола олиш асосан чигитни ўз вақтида, мақбул муддатларини тўғри танлаб экиш ва юқори синфли экиш материалларидан фойдаланишга кўп жиҳатдан боғлиқ. Чигит экишдан олдин пахта далаларини сифатли тайёрлаш, яъни нотекис ерларни текислаб, шудгорнинг ўта қотиб кетган жойларини чизеллар ёрдамида юмшатиб, экишдан олдин қўндалангига борона босиш керак. Шўрхок тупроқларда шўри ювилгандан сўнг ер етилиши билан 15—18 см чуқурликда чизеллаб, кетидан мола — бороналаб сўнгра чигит экиш лозим. Кейинги йилларда жумҳуриятимизнинг Наманган, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятларининг кўпчилик хўжаликларида пуштага экиш тажрибаси кенг миқёсда амалга оширилмоқда.

Шу куннинг долзарб вазифаларидан бири чигитни энг мақбул муддатларда сифатли қилиб экиш, тупроқнинг табиий намига ундириб олишдан иборатдир. Уруғлик чигитларни экишда уларнинг сифатига, катта-кичиклигига қараб, экиш меъёрини аниқлаш мақсадга мувофиқдир. Юқори классдаги тукли чигитларни экиш нормаси тупроқ—иқлим шароитига қараб 60 килограммдан ошмаслиги керак. Туксиз чигитлар эса гектарига 25—30 килограммни ташкил этиши керак.

Чигитни дорилаш ишлари асосан пахта тозалаш заводларида марказлашган усулда айрим ҳолларда эса тўғридан-тўғри хўжаликларда амалга оширилади. Бунинг учун 40 фоизли формалиндан 1 литрини 90 литр сувдаги эритмасидан фойдаланиш тавсия қилинади. Бундай эритма тайёрлаш учун 1 тонна чигитга 3—4 литр формалин ишлатиш кифоя. Хўжаликларда эса тукли чигитларни экишдан олдин намлаш ишлари бажарилади. Чигитни намлаш технологияси қўйидагича амалга оширилади:

Бир тонна тукли чигитга 600 литр сув ишлатилади. Бу миқдордаги сувни 3 табақага бўлиб, 200 литрдан 3 марта сувга аралаштириб, ёғоч белкураклар ёрдамида 15—20 сантиметр қалинликда ёйилган чигитлар сувда яхшилаб қориштирилиб тўпланади ва 3—4 соат димланиб, бу тадбир яна қайтарилади ва ниҳоят учинчи марта яна 200 литр сув сепилиб, қориштирилади ва 3—4 соат димланади. Оқибатда 1 тонна тукли чигит 600 литр сувни ўзига шимиб олиб, чигитда ниш уриш жараёни бошланган ҳолга келади.

Чигитни димлаш муддати об-ҳаво шароитига қараб турлича бўлади. Эрта муддатда экилаётган чигитларни димлаш муддати 12—14 соат, тупроқ ҳарорати 13—14°С ва ундан юқори бўлган вақтларда 18 соатгача димлаш тавсия этилади.

Чигитни механизация ёрдамида Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш илмий-тадқиқот институтида яратилган махсус намлагич машинасида амалга оширилса, меҳнат унумдорлиги ва чигитнинг экувчанлик сифати ошади.

Исрофгарчиликка йўл қўймаслик мақсадида хўжаликларда кундалик чигит экиш графиги тузилади ва кундалик экиш майдонига ҳамда об-ҳаво шароитига қараб керакли чигит намланади. Акс ҳолда намланган чигитлар ўз вақтида ишлатилмай сифати бузилади, экишга яроқсиз бўлиб, исрофгарчиликка йўл қўйилади.

Шу кеча-кундузда чигит экишни тупроқнинг тури ва унинг ҳолатига қараб табақалаштириш тавсия этилади. Биринчи навбатда енгил, қумоқ ва шағалли ерларга чигит экиш ижобий натижа беради. Чигит экишни тупроқнинг 5—10 сантиметр қатламида ўртача суткалик ҳарорат 11—12°С ва ундан ошганда бошласа бўлади. Акс ҳолда чигит тупроқ қатламида кўп вақт униб чиқмасдан, чириб кетади. Туксизлантирилган чигитларни эрта муддатда экиш тавсия этилмайди.

Чигитни мақбул муддатларда сифатли қилиб экишда механизациянинг аҳамияти катта. Ҳозирги вақтда экишни сифатли ўтказиш учун жумҳуриятимиз хўжаликлари жами 21 мингдан ортиқ сеялкаларни тайёрлаб, уларни кўрикдан ўтказиб қўйишган. Лекин, чигит экиш миқдори, уни тупроққа кўмиш чуқурлигини экишдан олдин шу йилнинг шароитини инобатга олиб, ҳар бир даланинг ўзида созланади. Масалан, 90 сантиметрли қатор оралиғида экиладиган майдонда қаторнинг ҳар бир погон метрида 8—10, 60 сантиметрли кенгликда экиладиган майдонда эса 6—7 уя бир хил оралиқда жойлашадиган қилиб тракторга осилган сеялкани кўтариб, ғилдираклари ерга тегмай айланадиган ҳолатга келтирилади.

Тукли чигит экиладиган бўлса, экишга тайёр намланган ҳолдаги чигитдан сеялка аппаратларига солиниб, бир-икки маротаба унинг ғилдираклари айлантирилади. Кейин ҳар бир сошник тагига идиш қўйиб ғилдирак бир марта айлантирилади. Сеялка ғилдираги чамбарагининг айланма узунлиги 2,2 метрга тенг. Шу масофага ҳар бир сошникдан тушган чигит миқдори 50—60 дона бўлса, сеялка тўғри созланган бўлади. Чигитнинг тупроққа кўмилиш чуқурлиги сошник полозларининг баландлигини ўзгартириш билан бажарилади.

Туксизлантирилган чигитларнинг экиш миқдорига келсак, СЧХ-31 маркали аниқ миқдорда экадиган аппаратлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Фақат уруғ сепадиган 48 ячейкалик «4А» дискасидан фойдаланиш, чигит эса саралланган, тош ва бошқа бегона жисмлардан тозаланган бўлиши керак.

Шуни эсда тутиш керакки, уялаш аппаратига 4, 6 ёки 12 парракли уялаш дискасини қўйиш, бир гектарга экиш учун созланган чигит миқдорига таъсир қилмайди. Парракли уялаш дискалари экилаётган чигитларни уяларга тақсимлашгагина хизмат қилади холос.

(Давоми 2-бетда).

ҚУЛАЙ МУДДАТЛАРДА

Жондор районидаги «Авангард» давлат хўжалигида чигит экишга киришилди. Ҳаммаси бўлиб 350 гектар ерга барака уруғи қадалади. Хўжалик бўрдоқичиликка ихтисослашган. Аммо деҳқончиликка ҳам яхши эътибор берилиб, ҳар йили тоннатонналаб пахта ва ноз-неъмат етиштирилиб келинмоқда. Режалар доимо ошириб бажарилади. Айниқса, охирги пайтда пахта хом ашёсига давлат харид нархи оширилганлиги сабабли соҳага эътибор янада кучайди.

Қаҳҳор Ражабов, Сайли Абуфайзов, Эргаш Воҳидов бошлиқ бригадаларда бирин-чи бўлиб чигит экишга киришилди. Дастлабки куни 15 гектар майдонга барака уруғи қадалди. Ишчилар 15 апрелгача экишни тугатишни мўлжалламоқдалар. Жорий йилда улар 820 тонна оқ олтин тайёрлаб, ҳосилдорликни 25 центнердан ошириш ниятидалар.

(Ўз мухбиримиздан телефон орқали олинди)

●

● НАМАНГАН вилоятида биринчи бўлиб «Ғурумсарой» шўро хўжалиги меҳнатчилари ерга чигит қадашга киришдилар. Пахта учун ажратилган 1250 гектар ернинг ҳаммаси чигит экишга шай қилиб қўйилган. Мавсумга яхшилаб таъмирлаб қўйилган машина-механизмлар бенуқсон ишлаб турибди.

Экишнинг биринчи куни бошланган зардбор суръатни деҳқонлар келгусида ҳам бўшаштирмай, ерга бир ҳафта ичида чигит қадашга аҳд қилишган.

Наманган вилоятининг бошқа хўжаликлари ҳам чигит экишга ёппасига киришмоқдалар. Поп районида экиш эрта бошланганн бу жойдаги иқлим шароитининг ўзига хос хусусияти натижасидир— бу ердаги тупроқ одатдагидан барвақт етилди.

● ФАРҒОНА туманига қарашли Бобур номидаги жамоа хўжалиги деҳқонлари вилоятда биринчи бўлиб чигит экишни бошлаб юбордилар. Бу ишлар учун 24 та сеялка ажратилди. Иброҳимжон Қодиров, Баҳодир Юсупов, Адҳам Қаҳҳоров сингари механизаторлар кунига 5—6 гектар майдонга «Фарғона-3» навли уруғ қадашмоқда.

— Вилоятимизда 7 апрелдан ёппасига чигит экишга киришдик, — дейди вилоят деҳқончилик-саноат уюшмаси раисининг муовини Анваржон Исроилов.— Бу йил асосан «С 65-24», «Тошкент-6», «С 65-30», «Фарғона-3», «Наманган-77» навли серҳосил ва эртапишар пахта етиштирамиз.

● СУРХОНДАРЁ вилоятининг Жарқўрғон, Қумқўрғон, Термиз, Ангор туманларида чигит экиш бошлаб юборилди. Хўжаликларда ҳар куни 200—250 гектар майдонга уруғ қадалмоқда. Мутахассисларнинг фикрига кўра, вилоятда апрель ойнинг иккинчи ўн кунлигида ёппасига чигит экишга киришилади.

Вилоят пахтакорлари ўтган йил баҳоридаги хатолардан тўғри хулоса чиқариб, уруғ ва ёнилғини тежаш, уруғлик чигитни пахта тозалаш заводларида кимёвий қайта ишлаш, муҳими, чигитни қайта бузиб экмаслик чора-тадбирларини кўрмоқдалар.

(ЎзА).

ЭЛНИ СИЙЛАГАННИ ЭЛ СИЙЛАЙДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

тибордан четда қолди. Буни қандай баҳолаш мумкин? Ахир, ғалла масаласи бугун жуда муҳим, снёсий масала-ку! Бу камчиликлар, яна такрорлайман, бошқарувдаги хатоликлар натижасида юз берди.

Маблағни ҳар ким ўз ҳудудидан қидириши керак. Солиқ органлари бунга ўз ҳиссаларини қўшиши лозим эди. Афсуски, вилоятда кўплаб корхоналар даромадини яшириб келди. Биргина 1992 йилда ўтказилган текширишларда қарийб 250 миллион сўм солиқ тўланмагани аниқланди.

Энди савдо соҳасини олиб кўрайлик, дея сўзида давом этди Президент, очиғини айтганда, савдода тартиб йўқ. Савдо ходимлари энг аввало, раҳбарларнинг кўнглини овлайди. Нопок раҳбарлар эса, ўз навбатида, уларга ҳомийлик қилади. Бугун ҳар бир маҳаллада, шаҳар ва қишлоқда, туманда кўплаб савдо дўконлари бор. Агарда раҳбарлар талабчан бўлмас экан, савдо ходимларига худо ўзи инсоф бермас экан, на прокурор, на милиция, на бошқа назорат органлари кучи билан тартиб ўрнатиб бўлади.

Менга бир нарса сира тинчлик бермайди. Биз нене машаққатлар билан, валюта маблағларини сарфлаб, Ўзбекистонга, жумладан Жиззах вилоятига энг зарур озиқ-овқат маҳсулотларини олиб келяпмиз. Хўш, уларнинг ҳаммаси ҳам эл дастурхонига тўлиғича етиб бораётирми?

Йўқ, ҳурматли депутатлар! Савдо соҳасидаги ва раҳбариятдаги нопок кимсаларнинг ўзаро тил бириктириб, кўпчиликнинг ризқига кўз олайтириши ҳанузгача давом этмоқда. Булар нима ҳисобига бойлик орттиряпти, деган саволни қўйиш тўғрими, йўқми?

Халқимизга қийинчилик билан етказиб берилаётган чой, ёғ, сабзавот ва бошқа маҳсулотларни четга чиқариб юбориш ҳоллари кўп учрамоқда. «Жиззахстепстрой» бирлашмаси қошидаги «Бўстон», «Сангзор», Ўзбекистон-Америка қўшма корхонаси, «Сўғдиёна» фирмасини олайлик. Улар республикадан ташқарига пахта толасини ғайриқонуний равишда чиқариб юбораётган бир пайтда қўлга тушдилар. 1992 йилнинг ўзида божхона ходимлари томонидан 300 миллион сўмлик маҳсулот ушлаб қолинди.

Мен бир нарсани илгари ҳам айтган эдим, ҳозир яна такрорлайман. Қаллоблик қилган киши жазодан қутилиб қолиши мумкин. Аммо, ўртоқлар ҳар бир қилмишимиз учун виждонимиз олдида агар бу дунёда бўлмаса, рўзи маҳшарда, яъни охиратда, албатта, жавоб берамиз. Бугун ҳаром йўл билан бойлик орттирганлар билиб қўйсин: улар қонун олдидаги жавобгарликдан бир бало қилиб қутилиб қолишса ҳам, бу бир кунмас-бир кун муқаррар тешиб чиқади!

Киноятчилик ҳақида гап кетар экан, бугун «Биз бу иллатга қарши кураш бўйича ундоқ қилдик, бундоқ қилдик!» дейдиганлар кўпайди. Бу гаплар ёлғон. Ташаббус Президентдан чиқади. Хўш, нима учун у Президентдан чиқиши керак? Жойлардаги мутасадди ўртоқлар нима қилиб ўтирибди? Ҳар ким ўз вазифасини бажариши, халқ олдидаги бурчини адо этиши, нонини ҳалоллаб ейиши керак эмасми?

Вилоят, шаҳар ва туман ҳокимлари қачонгача Марказдан кўрсатма кутади? Қани мустақил ва масъул ишлаш? Қани халқ дарди билан ёниш?

Биродарлар, инсоф қилинглар! Ахир, мен ҳам, гарчи Президент бўлсамда, ёлғиз бир кишиман. Агар ҳаммамиз бирлашмасак, қўлни-қўлга бермасак, ишда силжиш бўлмайди.

Бугун Жиззах шаҳрига кириб келаётган Наврўз тантанаси устидан чиқиб қолдик. Одамларнинг кайфияти яхши. Энг муҳими, улар ишлаяпти. Бир-бирлари билан аҳил. Биргаликда Наврўзни нишонлашяпти. Хурсанд бўлмай бўладими, ахир! Қанчалик қийин бўлмасин, одамларимизнинг келажакдан умиди бор. Менимча, нарса қувонтиради. Гапнинг рости, ҳар гал одамларнинг юзларига боқиб, уларнинг турмуши янада фаровон бўлиши учун биз, раҳбарлар қўлни-қўлга бериб ишлаяпмизми, деб ўйланаман. Келинглар, бу мушкул саволга биргалашиб жавоб ахтарайлик.

Тўғрисини айтиш керак, Жиззах вилояти раҳбариятидаги ўзаро келишмовчиликлар салбий натижаларга олиб келди. Бунинг оқибатида халқ анча қийналиб қолди.

Бугунги раҳбар қатъият билан, қаттиққўллик билан ишлаши лозим. Унинг учун халқ тинчлигини таъминлаш, турмуш шароитини яхшилаш вазифаси барча масалалардан устун туриши керак.

Ўзбекистон Президенти сўзининг охирида вилоятларда ва туманларда ижтимоий-сиёсий вазиятнинг барқарор бўлиши ёки бўлмаслиги ҳокимнинг қобилияти, куч-ғайрати, ишбилармонлиги, одиллигига боғлиқ, дея қайта-қайта таъкидлади. Энг муҳими — сўз ва иш бирлиги амалда мужассам бўлмоғи керак.

Шундан кейин Президент ўз ваколатидан фойдаланиб, вилоят ҳокими ва унинг биринчи ўринбосари лавозимларига Алишер Тошкенбоевни ва Аҳмад Соатовни тавсия этди. Вилоят халқ депутатлари уларни якдиллик билан юксак лавозимларга сайладилар.

* * *

Сессия тугагач, Президент Ислом Каримов Жиззах вилоятининг янги сайланган ҳокими Алишер Тошкенбоев, унинг муовинлари ҳамда туман ҳокимлари билан суҳбатлашиб, вилоятда юзага келган кўнгилсиз ҳолатларнинг сабабларини яна бир бор батафсил таҳлил қилди.

Ҳеч бир муаммо тўсатдан пайдо бўлмайди, деди Президент, у барча иш ўз ҳолига ташлаб қўйилган, бепарволик ва боқибеғамлик ҳукм сурган жойда илдиз отади. Ҳар ким, ҳар қайси раҳбар ўз жойида, ўз лавозимида туриб, чекига тушган бурчни ҳалол бажариши керак. Хўжалик миқёсидаги муаммо ва камчиликларни хўжалик раҳбари бартараф этса, туман миқёсидаги ишларни туман раҳбарининг ўзи эпласа, аҳвол бу даражага бориб етмас эди. Бугун, қарабсизки, вақтида ечилмаган ўнлаб ва юзлаб масалалар мадда бойлаб, ижтимоий ва ҳатто сиёсий тус ола бошлади. Биз тезкорлик билан масалани ўз назоратимизга олмасак ва қатъий чоралар кўрмасак, бир кун бориб албатта портлаш юз берар эди.

Собиқ ҳоким Эркин Турсуновга заррача ҳусуматимиз йўқ, деб таъкидлади Президент, биз у кишини яхши инсон сифатида биламиз ва иззат қиламиз. Аммо шуни айтиш керакки, Эркин Турсунов ҳаммага яхши бўлиб кўринишни истади, айрим ҳаддидан ошган мансабпараст кимсаларнинг ҳаволаниб кетишига вақтида чек қўймади, муросасозликка борди, натижада вилоятни бошқаришни удда этолмай қолди.

Бугун халқ депутатлари таниқли мутахассис ва олим Алишер Тошкенбоевга катта ишонч билдириб, уни вилоят ҳокими этиб сайлади. Янги ҳоким бу ишончни қаттиқ меҳнати билан оқлаши керак. Алишер Тошкенбоев — ишни биладиган, ҳалол ва самимий инсон. Ғайрати ҳам бинойидай. Лекин у, агар сизлар — вилоят ва туман раҳбарлари яқиндан туриб ёрдам бермасангизлар, ёлғиз ўзи ишни олға силжитиши қийин. Янги раҳбар вилоятни бошдан-оёқ кезиб чиқиб, аҳволни тузукроқ ўргангунича хийла вақт ўтади.

Агарда вилоят ва туман раҳбарлари яқиндан туриб ёрдам бермасангизлар, ёлғиз ўзи ишни олға силжитиши қийин. Янги раҳбар вилоятни бошдан-оёқ кезиб чиқиб, аҳволни тузукроқ ўрганганича хийла вақт ўтади.

Агарда вилоят ва туман раҳбарлари яқиндан туриб ёрдам бермасангизлар, ёлғиз ўзи ишни олға силжитиши қийин. Янги раҳбар вилоятни бошдан-оёқ кезиб чиқиб, аҳволни тузукроқ ўрганганича хийла вақт ўтади.

Ислом Каримов вилоятнинг янги ҳокимига уч ой мобайнида яқин даврга мўлжалланган режалар дастурини тайёрлашни тавсия этди. Уч ой — етарли муҳлат, деди Президент, бу вақт ичида мавжуд имкониятларни ҳисоблаб чиқиш, устивор йўналишларни белгилаб олиш мумкин. Пухта ва аниқ режа бўлса, иш юритиш осонлашади. Вилоятнинг қурби етмайдиган масалаларни ечишда эса, агар улар ғоят муҳим ва мураккаб бўлса, Ўзбекистон ҳукумати ёрдам беради.

Вилоятда янги ер очишга эътибор бериш керак, деб таъкидлади Президент, чўлдаги пахтазорлар анча «чарчаб» қолган, шўри кўпайган ерларни ўз вақтида даволамасак, асосий валюта манбаи — пахта етиштириш камайиб кетиши мумкин. Табиийки, бу вазифалар сувни қаттиқ тежаш, мавжуд суғориш шохобчаларини таъмирлаш ва янгилаш ишлари билан чамбарчас боғлиқ ҳолда амалга оширилади.

Бугунги энг долзарб масала — халқ таъминоти, деб уқтирди Президент, савдо соҳасида бўладими, маиший хизмат соҳасида бўладими— юртдошларимизни, айниқса, болалар ва қариялари муҳтож ҳолга солиб қўймаслигимиз керак. Элимизнинг сабр-қаноати зўр, аммо ҳақиқий раҳбар дегани одамларнинг бардошини синаш билан эмас, балки уларга муносиб шарт-шароит яратиб бериш, оғирини енгил қилиш билан танилади. Элни иззат қилсанг, эл ҳам сени иззат қилади.

Республика раҳбарияти бугунги кунда тиллага тенг валютани сарф этиб, халққа керакли озиқ-овқат, дори-дармонни етказиб келяпти. Шу нарсаларни тақсимлашда адолат бўлиши керак. Ноҳақлик қилган кимсаларни худо жазолашини кутиб ўтирмай, ўзимиз жазолашимиз керак.

Моддий неъматларнинг яратувчиси — халқ, маънавий бойликлар эгаси — халқ. Халқнинг турмуш шароитини билган, унинг кўнглини олишга қурби етган раҳбаргина одамларни бунёдкорлик ишларига етаклай олади. «Халқим, халқим!» дея оғиз кўпиртириб, аслида эса ақалли бир чўпни олиб бошқа жойга қўймайдиган ҳовлиқмалардан худо асрасин! Яна такрорлайман: раҳбар айтган ҳар бир сўзнинг ўз тошу тарозуси бор, тоғдай ваъдалар бериб бажармаган, арзгўйларнинг қўйнини пуч ёнғоққа тўлдириб, иш масъулиятини зиммасига олмаган раҳбарларга шафқат қилиб ўтирмаймиз. Бугун шундай даврки, у биздан қатъият ва ғайрат талаб этади. Ойда бир марта халққа кўриниш бериб, кейин яна бир ойгача соясалқиндан ҳаловат топадиган тўра ва тўрачаларнинг замони ўтди!

Президент яна бир муҳим масалага — кадрларни танлашга алоҳида тўхталди. Жиззах вилояти раҳбарлари ўртасида тарқалган маҳаллийчилик ва уруғчилик кайфиятини аёвсиз танқид қилди. Агар шу ярамас иллатдан қутилмас эканмиз, биз ҳеч қачон ҳақиқий миллат бўлиб шакллана олмаймиз, деди Президент. Илгари бу кайфиятга зимдан ва атайлаб рағбат берилар эди. Бугун биз, бутун Ўзбекистон аҳли, озодликка чиқиб, ватанимизнинг буюк келажагини кўзлаб турган пайтимизда, «сен — зоминдиксан», «сен — форишликсан» ёки «сен — жиззахликсан» деб тоифакашлик, тарафкашлик қилиш гуноҳи азим эмасми?! Қачон биз халқ бўламиз, қачон тўдабозлик ва гуруҳбозлик касалидан халос бўламиз?!

«Ўзимиздан бўлсин!» деган гаплар энди ўтмайди. Кадр танлашда шахсий муносабатларга берилишга, ошна-оғайнигарчиликка чек қўямиз. Бугун барчамизнинг ,ялдизимизни чамбарчас боғлайдиган буюк бир тушунча борки, бу — мустақил Ўзбекистондир! Керак бўлса, Ўзбекистоннинг истиқлоли ва истиқболи учун ҳаммамиз жонимизни фидо қиламиз. Ўзбекистонимиз, асрий зулматдан халос бўлган жабрдийда ватанимиз биз учун ҳамма нарсадан улуғроқ ва устунроқдир.

Жиззах аҳли — баҳрикенг, меҳнатдан қочмайдиган эл, деди Президент сўзининг охирида, унга адолат ва ақл билан бошчилик қиладиган раҳбарлар керак. Янги ҳоким — Алишер Тошкенбоев ёнига фидойи ва ишчан инсонларни йиғиб, вилоятда тўпланиб қолган муаммоларни ўз вақтида ҳал этади, деб умид қиламиз.

Суҳбат охирида Жиззах вилояти ва туманлари ҳокимлари ўз ишлари ҳақида қисқача ахборот бердилар. Президент Ислом Каримов республика аҳамиятига молик айрим муаммоларни ҳал этишни суҳбатда ҳозир бўлган ҳукумат раҳбарларига топшириди.

Суҳбатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси раисининг биринчи ўринбосари Исмоил Жўрабеков, Президентнинг давлат маслаҳатчиси Мавлон Умрзоқов, Қишлоқ хўжалиги вазири Норбек Қаюмов ва бошқалар қатнашдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг матбуот хизмати.

«МАНФААТ» МАНФААТИ

Тошбуви Умарова, Ҳамида Умрзоқова, Ҳаким Ҳокимов, Аҳрор Тожибоев каби кишиларни шулар жумласига киритиш мумкин. Улар ёш авлодга ўзларининг касб сирларини қунт билан ўргатмоқдалар.

Миришкорлар учун хўжаликда барча шарт-шароитлар яратилган. Клуб, шийпон улар хизматида. Бу ерда турли хил кечалар, учрашувлар, концертлар бўлиб туради. Жамоа хўжалиги касаба уюшмаси қўмитаси тарихий шаҳарларга саёҳатлар уюштириб турибди.

Ширкат раиси Анвар Нуриддиновнинг ишбилармонлиги, ўз ишига фидойилиги қўл келмоқда. У ҳали ёш. Эндигина 33 баҳорни қаршилади. Лекин шундай бўлса-да, жамоага моҳирлик билан раҳбарлик қилиб келмоқда. Шу боис жамоа янги ташкил бўлганига қарамай ишлар яхши кетмоқда. Режалар доимо ортиғи билан уддаланилаяпти.

Биз мўъжазгина иссиқхонада бўлиб, халқимиз маъмурчилиги йўлида катта ишлар амалга оширилаётганлигини кўрдик. Сабзавоткорларнинг нияти шаҳарликлар дастурхонига сархил маҳсулот етказиб бериш.

Р. ОРИПОВ,
«Қишлоқ ҳақиқати» мухбири.

Тошкент халқа йўлининг атрофига жойлашган Турғун Мирзаев номли жамоа хўжалиги таркибидаги «Манфаат» ширкатининг 6 гектар майдони бор. У ерда иссиқхона қурилган бўлиб, унда аҳолига сабзавот маҳсулотлари, помидор, бодринг, лимон ва турли хил кўкатлар етиштирилади. Бундан ташқари иссиқхона атрофига экилган турли хил мевали дарахтлар ҳам ҳар йили бир неча тонна нозне-ъмат беради.

Ердан унумли фойдаланилганлиги, фан ютуқлари ишлаб чиқаришга жорий қилинаётганлиги сабабли иссиқхона жамоаси ҳар йили катта даромад олмоқда. Мисол учун 1992 йил 7 миллион сўм умумий даромад кўрилганди. Иш шартнома асосида ташкил қилинган. Ҳар бир кишига 10—15 сотҳидан ер берилган. Ижарачилар белгиланган миқдордаги ҳосилни топширишса, унинг 50 фоизи йил охирида мукофот пули тарзида берилади.

— Миришкорларимизнинг ўртача ойлик маоши бултур 3—4 мингни ташкил қилган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткич 7—8 мингга бориб етмоқда. Ниятимиз пойтахтимиз аҳолиси дастурхонини янада тўкин қилиш. Етиштираётган маҳсулотларимизни бозордагидан анча паст нархда одамларга сотаяпмиз. Қолган қисмини эса тузилган шартнома асосида Тюмень, Чимкент шаҳарларига жўнатаяпмиз. Улардан қурилиш материаллари олаяпмиз, — дейди ширкат раиси Анвар Нуриддинов.

Ширкат бундан тўрт йил бурун ташкил қилинган. Лекин шундай бўлишига қарамай жамоада ишлар яхши йўлга қўйилган. Одамларга, уларнинг яшаш шароитларига эътибор бериб келинмоқда. Олинаётган фойданинг асосий қисми шунга сарфланяпти. Шунингдек, ишчиларни бозор иқтисодиёти шароитида ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш борасида ҳам бир қанча ишлар қилинмоқда.

Иссиқхона хўжалигида ўз ишини яхши биладиган, тажрибали касб эгалари кўп. Назира Латипова, Нури Ҳакимова, Зоҳида Назарова,

● СУРАТЛАРДА: 1. «Манфаат» ширкати раҳбари Анвар Нуриддинов (ўртада) миришкорлар билан маҳсулотни кўпайтириш хусусида фикрлашаяпти. 2. Доно Умрзоқова тўрт йилдан бери самарали ишлаб, касбдошлари орасида ҳурматга сазовор бўлиб келмоқда.

Н. МУҲАММАДЖОНОВ олган суратлар.

ЧИГИТНИ СИФАТЛИ ЭКИШ— МЎЛ ҲОСИЛ ГАРОВИ

(Боши 1-бетда).

Бу йилги об-ҳаво шароити ўзгарувчан келаётганлигини инобатга олиб, сеялкани сошникларига қўйиладиган кесаксургичлар билан жиҳозлаш, сошник, тупроқ зичлагич ғалтакларининг тупроққа бўлган босимини ўзгартириш пружиналари созлагичларини шай ҳолга келтириб, сошниклар оралиғини қатор кенглигига тенг қилиш мақсадга мувофиқдир.

Айрим хўжаликлар шароитида туксизлантирилган чигитларни яккалаб (пунктир қилиб) экиш мумкин. Бу усулни СПЧ-6 маркали румин пневматик сеялкаларида амалга ошириш яхши натижа беради. Лекин шуни таъкидлаш керакки, чигит экадиган дискадаги тешиклар сони 36 та, унинг диаметри 4 миллиметр бўлиши керак. Ҳаракат эса тупроқ зичлагич ғалтакнинг ўқига 16 тишли, дисканинг ўқига эса 22 тишли юлдузчалар ўрнатиб амалга оширилади. Дискадаги тешикнинг диаметри 4 миллиметрдан катта бўлса, чигитларнинг кўплаб жароҳатланишига ва майдаланиб кетишига олиб келади.

Чигит экишда бир йўла чигит қаторининг 7—8 сантиметр ёнидан, 10—12 сантиметр чуқурликда фосфор ва азотли минерал ўғитлари берилади. Уларнинг миқдори ва турини агроном мавжуд хўжалик агрохим картограммасига асосан белгилайди. Масалан, чигит экиш агрегати Т28Х4 тракторига осилиб, қатор кенглиги 60 сантиметр бўлганда гектарига 110 килограмм миқдордаги аммофос ва аммиакли селитра аралашмасини қаторга бериш учун ўғит сепиш аппаратининг фиксаторини созлаш чамбарагининг «5» рақамига келтириб қўйилади.

Трактордаги экиш агрегати 90 сантиметр қатор кенглигида ишлайдиган бўлса, шу ўғит миқдорини солиш учун аппаратнинг фиксаторини «7» рақамлик ҳолатига келтириб қўйилади. Кўп хўжаликларда бегона ўтларни йўқотиш учун чигит экиш билан бир йўла ПХГ-4 мосламаси ёрдамида гербицид ҳам сепилади.

Бу мосламани ишлатишда асосан ҳар бир қаторга гербицид аралашмаси 25—30 сантиметр кенгликда гектарига 120 —150 литр сув аралашмаси билан сепиш мақсадга мувофиқдир. Экиш агрегатининг далада бенуқсон ишлаши учун сеялка кўндаланг рамаси билан тракторнинг ғилдираклари гачга бўлган масофа бир хил бўлиши керак.

Шуни ҳам эсда тутиш керакки, чигит экишни қисқа муддатда ва сифатли ўтказиш учун далада агрегатларни чигит, минерал ўғитлар ва гербицид билан таъмин қилиш пунктлари ҳам ташкил этилиши лозим. Бу иш унумини ошириб, механизаторларга катта қулайлик туғдиради. Айниқса, қатор оралиғини танлашда ернинг нишоблигини ҳисобга олиб белгилаш мақсадга мувофиқдир. Нишоблиги юқори ва ўртача бўлган майдонларда 60 сантиметр, кичик бўлган далаларда эса 90 сантиметр қилиб экилиши лозим.

Жорий йилда жумҳуриятимиз пахта майдонларида 28 та районлаштирилган ва истиқболли тезпишарлиги, саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш талабларига мос белгилари билан бир-биридан фарқ қиладиган ғўза навларини жойлаштириш режалаштирилган. Маълумки, об-ҳаво ноқулай келиши муносабати билан ҳар йили маълум миқдорда чигитни қайта экишга тўғри келади. Қайта экиш учун тезпишар С-4727, С-9070, Чимбай-3010, Тошкент-6 навларининг чигитидан фойдаланиш тавсия этилади. Бунда 10 майгача барча асосий ғўза навларининг чигитидан қайта экишда фойдаланиш мумкин. Лекин, бу муддатдан кечикканда фақатгина тезпишар навларнинг чигитини экиш яхши натижа беради. Юқори репродукцияли уруғ тайёрлашга ихтисослаштирилган хўжаликларда қайта экиш, кўчат яхши униб чиқмаган майдонларга қўшимча экиш учун айнан шу навнинг чигитидан фойдаланиш зарур.

Нав софлигини, унинг биологик ва хўжалик белгиларини узоқ сақлаш учун ҳар бир пахтачилик хўжалигида битта нав экиш қоидасига риоя қилиш керак.

Маълумотларга қараганда 1992—1993 йилги қишда тупроқда қўсак қуртининг кўп миқдорда қолганлиги, ҳамда ёппасига кўпайиши, 1992 йилга нисбатан кўп бўлиши кутилмоқда. Унга қарши 1 миллион гектар майдонда ҳимоя ишларини олиб бориш мўлжалланмоқда.

Қўсак қуртининг зичлиги айниқса, Андижон, Наманган, Фарғона, Тошкент ва Хоразм вилоятларининг хўжаликларида юқори даражада эканлиги аниқланди.

Бу зараркунандаларга қарши кураш чоралари биологик усул бўлиб, ферамон тутқичлар ва тегишли биопрепаратлар ёрдамида кураш ишлари кенг қўлланилишни талаб қилади.

Қўсак қуртининг 1—2-чи авлодига май-июнь ойларида биологик усул билан, яъни трихограмма ва бракон чиқариш, июль-август ойларида эса кимёвий ишлов бериш ижобий натижа беради.

Ғўзани кучли зараларантирадиган яна бир хавфли зараркунандалардан кузги тунлам ҳисобланади. Олинган маълумотларга қараганда 1993 йил мавсумида кузги тунламнинг 400 минг гектар майдонга тарқалиш хавфи бор. Бу зараркунандаларнинг айниқса, Андижон, Наманган, Фарғона ва Хоразм вилоятларида кенг тарқалиши кутилмоқда. 1992 йилги ўргимчак қанани кенг тарқалиши 1993 йилги мавсумда ҳам такрорланиш эҳтимоли бор. Ўтган йилги кузги кузатувлар шундан далолат бермоқдаки, қишловда ўргимчак кананинг кўп миқдори сақланиб қолган. Шу туфайли 1993 йилда зарарланиш майдони 1992 йилдагидан кўп бўлади. Ўргимчак кананинг кенг тарқалиши Андижон, Жиззах, Наманган, Сирдарё, Фарғона ва Тошкент вилоятларида кутилмоқда.

Зараркунандалар тарқалишини ўз вақтида олдини олиш мақсадида шу кеча-кундузда керакли кимёвий препаратларни ўз вақтида тайёрлаб қўйиш ва улардан фойдаланиш усулларини кенг жорий этиш ишларига алоҳида эътибор бериш керак.

Юқорида кўрсатилган тавсиялар ҳар бир хўжаликдаги тажрибакор мутахассис ва деҳқонлар билан ҳамкорликда, маслаҳатлашиб, хўжаликнинг ўзига хос тупроқ-иқлим шароитини ҳисобга олиб, ҳамда Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган ғўза навларининг биологик ва хўжалик белгиларини инобатга олган ҳолда амалга оширилиши мақсадга мувофиқдир. Бу йилги шароит ҳар бир хўжалик раҳбаридан ва мутахассисларидан экишни пухта ва соз ўтказиш ишига ижобий ёндашишни талаб этади.

Ш. ИБРОҲИМОВ,
Ўзбекистон пахтачилик илмий-тадқиқот институти бош директори, Ўзбекистон қишлоқ хўжалик фанлари академияси академиги.

А. ЭГАМБЕРДИЕВ,
Г. С. Зайцев номидаги Ўзбекистон ғўза селекцияси ва уруғчилиги илмий-тадқиқот институти бош директори, биология фанлари доктори, профессор.

Қ. БАҲРАМОВ,
Ўзбекистон пахтачилик илмий-тадқиқот институти лаборатория мудири, биология фанлари номзоди.

А. ҚОРАХОНОВ,
Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш илмий-тадқиқот институти лаборатория мудири, техника фанлари номзоди.

И. ЎРУНОВ,
Ўзбекистон ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий-тадқиқот институти директори муовини, Ўзбекистон қишлоқ хўжалик фанлари академияси мухбир аъзоси.

ШУКРОНА

Район ҳокими Тўрақул Йўлдошев билан мухтасаргина гурунглашгандан сўнг биз рўзномамиз оталиғидаги Мурод Жўраев номли жамоа хўжалигига йўл олдик. Мазкур хўжалик катта ҳудудга, кўп тармоқли соҳаларга эга. Айни пайтда бу ерда 25 та қишлоқ мавжуд. Бугун бу ерларда Наврўз тантаналари давом этмоқда.

Баҳор яшиллиги кенг қулоч ёзаётган айни лаҳзаларда ким билан суҳбатлашмайлик, уларнинг қалбида қувонч туйғулари мавж уради. Ўзбекона қадриятларимиз, урф-одатларимиз, энг асосийси меҳр-оқибат қайтаётганлигидан қувонақувона сўзлайди. Хўжалик раҳбари Фазлиддин Пирназаров, касаба уюшмаси қўмитасининг раиси Олим Суюнов ва бошқа фаоллар файзли давраларда бошқош.

Жамоа аъзолари Наврўзга алоҳида тайёргарлик билан пешвоз чиқишди. Даставвал кенг кўламда тадбирлар ишлаб чиқилди. Улуғ айём олдидан шанбаликлар ўтказилиб, йўл ёқалари, кўчалар ва майдонлар тартибга келтирилди. Марҳумларни ёд этиш, қабристонларни зиёрат қилиш, беморлардан кўнгил сўраш, ногирон ва меҳр-шафқатга муҳтож кишиларга иқтисодий ва маънавий ёрдам кўрсатиш анъана тусини олди. «Кўбай», «Хино», «Шалдироқ», «Чойжовул», «Бодой», «Қатағон» ва «Сафохўжа» қабристонлари тозаланди, гул ва мевали дарахт кўчатлари ўтқазилди. Кўйиллар хўжаликка меҳнати синган ва жамоага бир неча йил раҳбарлик қилган марҳум Абдулла Қўзибоев ҳамда донгдор бригада бошлиғи Омон Умрзоқовларни юртдошлари хотирлаб, уларнинг қабрига ёдгорлик тоши ўрнатишди. Кам даромадли оилаларга, муҳтож кишиларга хўжалик ўз ҳисобидан 40 минг сўм ёрдам пули ажратди. Ҳар бир хонадон ва ҳовли соҳиблари фарзандлари дарахтлардай дуркун ўссин деб, камида 20—30 тупдан турли кўчатлар ўтқазишди.

Бугун эса меҳр-шафқат, эзгулик ва гўзаллик айёми хўжалик ҳудудининг ҳамма ерида тантана қилмоқда. Айниқса Абдурауф Омонов, Тўрақўл Расулов, Меҳриддин Жамраев каби миришкорлар бошлиқ бригада далаларида Наврўз файзи ўзгача бўлди. Бир ёқда дошқозонларда сумалаклар қайнади, дастурхонларда турфа таомлар бисёр. Қўшиқлар рақсларга уланади.

Иштихон шаҳри марказидаги Мурод Жўраев номли истироҳат боғи ҳам ажойиб манзара кашф этди. Халқ ўйинлари, спорт беллашувлари қизғин. Сумалак ва турфа таом бўйлари меҳмону мезбонларни дастурхон атрофига чорлади.

Шароф Рашидов номли жамоа хўжалигида ҳам ўзига хос тантаналарнинг гувоҳи бўлдик. Хўжаликнинг 9 та қишлоғи улуғ айём шукуҳида.

Ҳамма ерда халқ сайили. Дошқозонларда палов пиши, сумалаклар қайнамоқда. Нишолдадан тортиб қандолат маҳсулотларининг ҳамма туридан дастурхонда бор. Хўжалик хотин-қизлар кенгашининг раиси Сарвар Баҳромова бошлиқ «Сунбула» фольклор ансамбли жозибали қўшиқ ва рақслари, унутилиб кетган халқ лапарлари билан давраларга файз бағишламоқда.

Тантаналар узоқ давом этди. Шунингдек «Чимқўрғон» жамоа хўжалигидаги уй бекаларининг пазандалигига таҳсинлар ўқидик. Искандар Хидиров раҳбар бўлган бу жамоа халқ сайилини таомлар кўрик-танлови билан бойитди. Одамлар тўкин дастурхонга шукроналар айтишди.

А. ТУРДИЕВ,
«Қишлоқ ҳақиқати» мухбири.

М. ХИТОЕВ,
жамоатчи мухбир.

БОҒЛАР ТОМЧИЛАТИБ СУҒОРИЛЯПТИ

Бундан бир неча йил муқаддам Зомин ва Дўстлик туманларида боғларни томчилатиб суғориш усулига ўтилганди. Бу ўз самарасини берди. Оби ҳаёт тежалиб, дарахтлар қониб сув ичадиган, ёз ойларида нам узоқ сақланади. Булар эвазига мўл ҳосил олинади. Жорий йилда Ғаллаорол туманидаги «Зарбулоқ» хўжалиги боғлари ҳам томчилатиб суғоришга ўтказилади.

Т. СОИНАЗАРОВ.

ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯЛАШ ТАЯНЧИ

ПРЕЗИДЕНТ ТАДБИРЛАРИ Наманганга НИМА БЕРДИ

ЯХШИ НИЯТ—ЯРИМ ДАВЛАТ

ГУЛЛАР, асл миришкорлар маскани Наманганда деҳқончилик маданияти юксалиб бораяпти. Эндиликда жумҳуриятда машҳур бўлган пахтачиликдаги шахмат усули ижодкори Маллабой Боқибоев, тадбиркор, ташаббускор деҳқонлар Тожихон Асқарова, Шарифбой Ботиров, Абдураҳмон Жўраев, Нуриддин Абдуллаев кабиларнинг номлари кўпчиликка таниш.

— Бизнинг районда Миришкор, Хонобод, Ровустон, Тепақўрғон, Қоратепа каби қишлоқлар бор, — ҳикоя қилади Наманган район ҳокими, Ўзбекистон халқ депутати Жамолхон Сиддиқов. — Эътиборлиси шуки, миришкорлар ердан унумли фойдаланиб, бир йилнинг ўзида уч-тўрт мартадан ҳосил олишга эришиб келишмоқда. Тошбулоқлик Ўринбой Ёқубов, қоратепалик Мамасиддиқ Мерганов, тепақўрғонлик Умматали Эргашев шулар жумласидан. Улар эл дастурхонига сархил неъмат етказиб бериш ишига муносиб ҳисса қўшишмоқда. Районда Президент фармонларининг ижросини таъминлаш юзасидан аниқ тадбирлар изчил амалга оширилмоқда. Ҳозирга қадар аҳолига 2.164 гектар ер уй-жой қуриш ва қўшимча томорқа учун берилди. Бу моддий манфаатдорликни оширишга ҳам хизмат қилмоқда.

Дарҳақиқат, Наманган районида сўнгги йилларда аҳолини ижтимоий жиҳатдан ҳимоялаш масаласига масъулият билан ёндошилмоқда. Ерлардан унумли фойдаланиш, уй-жойларни тезроқ тиклаш, томорқаларда деҳқончиликни яхши йўлга қўйиш учун уч йил ичида фуқароларга қарийб 8 миллион сўм узоқ муддатли қарз ажратилди. «Соҳибкор», «Пахтаобод», Охунбобоев номли, Қозоқхон Солиев номли жамоа хўжаликлари ва «Ижодкор» деҳқончилик-саноат тижорат фирмасида бу борада ўрганса арзийдиган ишлар кўп.

Районда шахсий ёрдамчи хўжалик эгалари иттифоқи томонидан фуқароларга бир миллион сўм маблағ қарз берилиб, чорва молларини кўпайтиришга имкон яратилди. Жойларда ташкил этилган тайёрлов идораси қабул пунктлари томорқаларда етиштирилган маҳсулотларни аҳолидан мақбул нархларда харид қилиб олаяпти, 1992 йилнинг ўзида томорқачилардан 180 тонна помидор, 16 тонна сабзи, 10 тонна пиёз, 100 тонна карам, бақлажон, қалампир, 5 тоннадан ортиқ саримсоқ қабул қилинди. Тадбирларга кўра икки йилда минг бошдан знёд қорамол, 113 мингдан ортиқ парранда аҳолига арзон нархда сотилди.

Ўринбой Ёқубов район техника таъминоти корхонасида муҳандис эди. Яқинда уни Тошбулоқ қўрғони кенгаши раислигига сайлашди. Уддабурон, меҳнатсевар бу инсон ҳар йили ўзининг 10 сотихлик ҳовлисида мўл неъмат етиштирмоқда. Умрдоши Сорахон Мажидова, олти нафар фарзанди, келинлари унга мададкор. Мўъжазгина иссиқхонага кирсангиз баҳри дилингиз очилади. Хонадон соҳиблари ҳар йили эл дастурхонига лимон, ёнғоқ, бодом ва бошқа неъматлар етказиб беришмоқда. Бундан ташқари қорамол, қўй, от парваришлашади. Йил давомида томорқада сабзи, редиска, картошка, ловия етиштириб баракали ҳосил олишмоқда. Ўгиллари Равшанбекка ажратилган 8 сотих томорқадан ҳам унумли фойдаланишмоқда. Анор, анжир, хурмо дарахтлари ҳар йили шигил ҳосилга киради.

— Биз, оналар Президентимиз Ислом Каримовга ғамхўрлик учун чин дилдан миннатдорчилик билдирамиз, — дил сўзини ифодалайди Сорахон Мажидова. — Томорқалар меҳнаткаш қаддини тикламоқда. Фарзандларимиз меҳнатсевар, одамохун кишилар бўлиб етишишмоқда. Ҳалол меҳнат қилиб, ҳар йили маошдан ташқари 100—120 минг сўмдан даромад қилаяпмиз. Бозор шароитида ҳамма ана шундай яшаб, ишлашга ўрганса қийинчиликлар енгиб ўтилади, бозорларимиз тўкин бўлади.

Районда ернинг қадрига етиб, унинг бойликларини кўпайтираётган бундай тадбиркор оналарнинг шарафли меҳнати туфайли ўтган йили томорқалардан қарийб 15 минг тонна сабзавот, минг тонна мева, салкам 2 минг тонна полиз маҳсулотлари, 210 тонна узум қабул қилиб олинди. Шу кунларда қишлоқларни айлансангиз, томорқаларга мевали, ариқ ва шохариқлар қирғоқларига, йўл четларига иморатбоп дарахтлар экилаётганини кўрасиз. Кўпчилик ўтган йили бошоқли дон экканди. Ҳозир ер бетини қоплаган кўм-кўк майсалар меҳр билан парвариш қилинмоқда.

ТОЛ ВА ТЕРАКЛАР АСҚОТДИ

ЎШАНДА 1987 йилнинг эрта кўклами эди. Норин районидаги «Оқолтин» жамоа хўжалигида ажойиб пахта устаси Мадаминжон Камолов етакчилигидаги бригада бўш ётган ерларга терак, тол каби иморатбоп дарахтлар экиш ташаббусини бошлади. Хайрли ҳаракат нафақат хўжаликда, балки бутун вилоят миқёсида кенг қўллаб-қувватланди. Маҳаллий матбуот, радио орқали жойларда амалга оширилаётган ишлар, кўчат ўтқазиш ойлигининг натижалари мунтазам шарҳлаб борилди. Дастлабки йили ташаббускор жамоа 15 минг туп тол, терак кўчати ўтқазиб кўпини кўкартириб олди. Шу тарика бу иш ҳар йили давом эттирилди. Одамлар муҳим ишга қўл урганликларини кейинчалик тушундилар. Етти йил аввал экилган ниҳоллар қишлоқ аҳли кунига яради. Равшанки, Иттифоқнинг парчаланиши, бозор қийинчиликлари туфайли қурилиш материалларига танқислик сезилди. Бунинг устига уларнинг нархи кўтарилиб кетди. Бу барча хўжаликларда ички имкониятлардан унумли фойдаланишни тақозо этди. Оқолтинликлар эса уй қуришда унчалик қийналишмади. Боиси ҳаммасини олдиндан кўра-билгандек иш кўришганди. Хўжалик томонидан ҳам муҳим масалага жиддий эътибор берилди. Ўтган йили аҳолига 24 минг туп кўчат тарқатилганди. Шу тарика токзорлар, теракзорлар кўпайди. Уч йил ичида 50 гектар ер уй-жой қуришга, 150 гектари эса томорқага тақсимланди. Албатта, бунда мавжуд етти қишлоқдаги аҳоли қатлами ўрганиб чиқилди. Чунончи, эрхотин далада ишласа 18—20 сотихдан, хонадондан бир киши хўжаликка аъзо бўлса 15 сотихдан томорқа берилди. Адолатли тадбирни кўпчилик маъқуллади. Берилган ерлардан ҳар ким ҳар хил фойдаланади. Чамбил, Тошқин қишлоқларида истиқомат қилувчилар саримсоқ етиштиришга устаси фаранг. Қўрғончаликлар бодринг, турп, карамдан мўл ҳосил етиштириб келишмоқда. Моргузор хандалагини емабсиз дунёга келмабсиз. Далатўпида эса асосан помидор етиштирилади. Район ҳокимлиги аҳоли талаби асосида Тўда деҳқон бозорини қуриб фойдаланишга топширди. Бу ерда томорқаларда етиштирилаётган неъматлар сотилмоқда.

Йўлдошали Эргашев бутун умрини деҳқончиликка бағишлади. Яқинда у ҳурмат билан пенсияга кузатилди. Лекин раҳбарлар бу уста миришкорни дам олдиргилари йўқ. Йўлдошали ота ҳар қандай шароитда ҳам ишнинг қаловини топади. Фарзандлари ўзи каби камтар, камсуқум, меҳнатсевар кишилар бўлиб вояга етишди. Ота икки қизини узатиб, тўрт ўғлини уйлади. Икки ўғил ҳозирда ҳам унга мададкор. Томорқага бугдой ва шоли экиб барчага намуна бўлишмоқда. Ўтган йили Эргашевлар оиласи жами 400 минг сўм даромад қилди. Нурали ҳам, Эрали ҳам қўркам уй қуриб олишди. Мирзатераклар иш берди. Улар яхши ният билан бу йил ҳам кўплаб тол, терак экишди.

— Ўтган йили барча соҳада дастлабки илдам қадамлар қўйилди, — дейди жамоа хўжалиги бошқаруви раисининг ўринбосари Абдувосит Мамажонов. — 1.200 гектар ерда деҳқончилик қилиб баракали ҳосил олдик. Давлатга 2.732 тонна пахта, 40 тоннадан знёд пилла ва бошқа кўплаб қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотилди. Пахтачиликда 201 та, дончиликда 22 та, ем-хашакда 25 та, боғдорчиликда 15 та, сабзавот, полиз, картошкачиликда эса 8 оилавий пудрат ташкил этилди. Президент фармонига кўра режадаги пахта ҳосилининг 15 фоизи ҳамда режадан ташқари барча хом ашёнинг ўз ихтиёримизда қолдирилганлиги иқтисодиётни юксалтиришнинг етакчи омили бўлди. Тармоқдан олинаётган соф фойда ижтимоий соҳа муаммоларини ҳал этиш имконини бермоқда.

Чиндан ҳам шундай. Улуғ Ватан уруши ногирони Абдуҳаким Чўтибоевга бепул уй қуриб берилди. Эътиборхон Турдиевага моддий ёрдам кўрсатилди. Эътиборлиси шуки, бу ерда ҳашар имкониятларидан кенг фойдаланилмоқда. Юздан ортиқ хонадон кўпчиликнинг беминнат ёрдамида турар жойларини тиклаб олди. Азалий удумга жорий йилда ҳам кенг амал қилинмоқда. Маҳмуджон Исоқов, Нуриддин Жалолов, Олимжон Қосимов, Бахтиёр Шерматовга ҳамқишлоқлари кўмаклашиб уйларининг пойдеворини тиклаб бердилар.

Норинликлар республика Президентининг инсонпарварлик сиёсатини яқдил қўллаб-қувватламоқдалар. Улар садоқатларини амалда кўрсатишмоқда. Ўз навбатида фармонларни бажариш юзасидан белгиланган тадбирлар изчил амалга оширилаяпти. Ўтган йили уй-жой олиш юзасидан 8 мингга ариза тушганди. 5.480 таси қондирилди. Умуман ҳозирча 600 гектар ер турар жой учун, минг гектари эса томорқага ажратилди. Норинликларнинг иморатбоп дарахтлар етиштиришдаги ташаббуслари ҳамон вилоят бўйича кенг қўллаб-қувватланмоқда. Ташаббускорлар муҳим ишда намуна. Норин, Қорадарё, Қолгандарё, Сирдарё қирғоқларида, канал бўйларида икки миллион тупдан знёд терак, тол ўстирилаяпти. Ҳокимлик ҳар йили баҳор ва кузда оммавий ҳашар уюштириб, теракзорларни кўпайтирмоқда. Бу йилги баҳорни ҳам улар интиқ кутишди. Мўлжалдаги ерларга режадагидан кўп ниҳолларни ўтқазилди. Ҳа, ота-боболаримиз удумига амал қилиб, бозор муаммоларини муваффақиятли ҳал этаётган норинликларга ҳар қанча ҳавас қилса арзийди.

● Тўрақўрғон ширинлик комбинатида асосан ёшлар меҳнат қилишади. Ойлик режаларини ошириб адо этаётган сараловчи Гулчеҳра Тошматова (суратда) уларнинг бири. Комбинатда ишчи ва хизматчиларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоялаш юзасидан аниқ тадбирлар амалга оширилмоқда.

ЮРТБОШИГА ЮРТ ИШОНЧИ

ВИЛОЯТ ҲОКИМИ БУРГУТАЛИ РАПИҒАЛИЕВНИНГ ДИЛ СЎЗЛАРИ

ТУРКИЯ Республикаси Президенти раҳбарлигидаги расмий давлат делегациясининг мамлакатимизга ташрифи, дўстларимизнинг дил сўзлари, ҳар икки томон учун манфаатли бўлган хужжатларнинг имзоланиши ҳур Ўзбекистонимиз, Президентимизнинг обрў-эътибори тобора ошиб бораётганлигидан далолатдир.

Одамлар оласида бўлганимда улар юртбошимизнинг ҳаётбахш фармонлари мавжуд иқтисодий қийинчиликларни енгишда мустаҳкам таянч бўлаётганлигини мамнуният билан эътироф этишади. Шу ўринда биргина «Колхозлар, совхозларнинг ишчилари ва қишлоқ жойларда яшовчи бошқа фуқароларнинг шахсий ёрдамчи хўжаликларини ривожлантиришга оид қўшимча тадбирлар тўғрисида»ги фармоннинг меволарини олиб кўрайлик. Унинг шарофати туфайли уч йилда вилоят аҳолисига қарийб 22 минг гектар ер турар жой, ҳамда томорқа учун тақсимланди. Бундан 210 мингдан ортиқ хонадон баҳраманд бўлди. Деҳқон (фермер) хўжаликлари эса 1.822 гектар ер олдилар.

Ҳокимлик уй жой қураётганларга амалий ёрдам бермоқда. Фуқароларга салкам 40 миллион сўм узоқ муддатли қарз олиш имкони яратилди. Имтиёздан ишбилармонлар ҳам баҳраманд бўлаяптилар. Муаммолар кўп бўлишига қарамай бунёдкорлик ишларини бўшаштирмасликка ҳаракат қиласяпмиз. Гўзал, Чаманзор, Мингчинор, Нуробод, Ахсикент каби гўзал турар жой мавзелари қад ростлаганлиги қувончимизга-қувонч қўшди. Косонсой, Янгиқўрғон районлари ҳудудидан 1.777 гектар ер йўлдош шаҳарча учун ажратилди. Бу ҳам уй-жой муаммосини ҳал этишга хизмат қилади.

Қўли гул қурувчилар масъулиятни ҳис этишмоқда. Маданий-маърифий, савдо, тиббий хизмат кўрсатиш муассасалари учун бинолар қуриш ҳам эътиборда. Сўнгги йилларда 38.518 ўринли мактаб, 9.650 ўринли боғча, 1.030 ўринли касалхона, 3.620 ўринли поликлиника қурилиб ишга туширилди. 600 километрдан знёд сув тармоқлари, 980 километр газ қувурлари ётқизилди. 41.377 хонадон зангори оловдан баҳраманд бўлди.

Фуқаролар қандай яшаётганлигини билиш учун бозорларни оралаш кифоя. Эндиликда Наманган шаҳрининг ўзида 4 та йирик деҳқон бозори мавжуд. Районлар, йирик аҳоли марказларида ҳам шинам бозорларимиз бор. Гапнинг очиғи, одамлар ўтган қишда мева, пиёз, сабзи, картошка каби неъматлардан унча қийналмадилар. Бу вилоят мева-сабзавот, узум бирлашмаси ташкил этилганлиги, хўжаликларнинг махсус дўконлари очилганлиги, вилоят матлубот жамиятлари уюшмасидан ажралган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари тайёрлаш ва сотиш ширкати ташкил топгани шарофатидир. Улар қишга етарли миқдорда маҳсулот ғамлашганди. Томорқа эгалари ҳам хурсанд. Қишлоқларда тайёрловчиларнинг қабул пунктлари очилганлиги улар мушкулини осон этди. Эътибор қилинг, уч йилда аҳоли томорқасида 53 минг тонна дон, 40.387 тонна картошка, қарийб 400 минг тонна сабзи, 63.708 тонна полиз маҳсулотлари, 125 минг тонна мева, 12.681 тонна узум етиштирилди. Бунинг учун улар меҳнаткашларни томорқали қилган Президентимизга чин дилдан миннатдорчилик изҳор этишмоқда.

Қулупнайзор, анжирзор, бодомзор, анорзорларни ташкил қилиш ҳокимлик ташаббуси билан қизғин давом этяпти. Яна бир эътиборли нарса, ўтган йилнинг кузи ва бу йил баҳор фаслида янгидан 1 миллион туп теракзор ва токзор яратиш учун астойдил ҳаракат қилинмоқда.

Ҳаёт, олдимизга ғоят жиддий талаблар қўймоқда. Президентимиз И. А. Каримов Жиззах вилояти Кенгаши сессиясида сўзлаган нутқида ҳозирги кунда раҳбарлар қандай ишлаши кераклиги, ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаб, соғлом муҳит яратиш учун нималарга эътибор бериш лозимлигини ёрқин кўрсатиб берди. Уни ўқиган кишида ўзига нисбатан талабчанлик ошади, масъулият кучаяди. Шубҳасиз, айрим камчиликларини, назардан четда қолаётган долзарб масалаларни эсига солади, унумли меҳнатга чорлайди.

БАХТ ҚЎРҒОНИ

ТЎРАҚЎРҒОНДАН Косонсой томон баландлашиб бораётган асфальт йўлдан одимлаётган машинамиз «Бахт» қўрғонига яқинлашганида ҳайдовчи йигитдан тезликни камайтиришни сўрадик. Бу замонавий, шинам уй-жойларда «Тўрақўрғон» жамоа хўжалиги аъзолари истиқомат қилишади. Вилоят ҳокимлиги деҳқончилик-саноат мажмуи мутахассислар гуруҳи раҳбари Муҳиддин Валиевнинг изоҳ беришича 148-хўжаликлараро махсус механизациялашган кўчма колонна бунёдкорлари 200 хўжаликка мўлжалланган шаҳарчани бунёд этишибди. Аҳоли ичимлик суви билан таъминланган, табиий газ келтирилаяпти. Яқинда Омонилла Турсунов, Мансурхон Қобулов, Нозимжон Раҳимқулов ёру биродарлари кўмагида уйларини битказиб ҳовли тўйлари ўтказдилар. «Юлдуз» қўрғони ҳар жиҳатдан намунали бўлади. Ҳозирча 60 киши янги уйга кўчиб кирди.

Бунёдкорлик ишларини бир меъёрда олиб бориш учун хонадон эгаларининг, хўжаликнинг чўнтаги бақувват бўлиши керак. Хўш, «Тўрақўрғон» жамоа хўжалиги аъзоларининг ўтган йилги натижалари қандай? Яхши меҳнат қилинди. Ҳозир колхоз ихтиёрида 165 тонна тола мавжуд. Уни сотиб камида 70 миллион сўм даромад олинади. Ўшанда умумий даромад 125 миллион сўмдан ошади. Йил якунида колхозчиларга 10 миллион сўм қўшимча тарқатилди. Мактабларнинг, болалар боғчалари бинолари қайта таъмирланаяпти. Шохидон қишлоғида янги артезиан қудуғи ишга туширилди. Хўжалик ҳудудидаги ерлар паст-баланд адирликлардан иборат. Бу жойларда не машаққатлар эвазига олиб чиқилган сув жуда тез исроф бўлади. Ана шунга чек қўйиш мақсадида суғориш тармоқларига лотоклар ётқизилаяпти. Шохидондаги барча хонадонлар бу йил зангори оловдан баҳраманд бўлишади. «Юлдуз»да яшаётганлар учун «зангори олов» олиб келиш бўйича лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрланмоқда.

«Тўрақўрғон» жамоа хўжалигида икки йилда 40 гектар ер турар жойга, 70 гектар майдон томорқага берилди. Кишилар имкониятдан иложи борича унумли фойдаланишмоқда. Ғуломжон Норматов шартнома асосида икки гектар ерга чигит экиб, 72 минг сўм даромад олди. 10 сотих майдонда ерёнғоқ етиштирди. Ҳосилини 30 минг сўмга пуллади. У маккажўхори, ловия, нўхат етиштиришнинг ҳам устаси экан. Умуман Ғуломжон ўтган йили томорқанинг ўзидан 80 минг сўмдан ортиқ даромад кўрди.

Фермон ижросини таъминлаш ҳам қарз, ҳам фарз. Буни Тўрақўрғон район ҳокими Омонилла Исматуллаев ва унинг муовинлари, хўжаликларнинг раҳбарлари яхши билишади. Шу боис уй-жой комиссияси тақдимномасига биноан 15 мингдан знёд аризалар синчиклаб кўриб чиқилди. Яқин 13 минг оилага 1.500 гектар ер якка тартибда уй-жой қуришга берилди. Натижада аҳоли истиқомат жойлари 70 фоизга кенгайди. Зарурат сезган кишиларга жамғарма банки томонидан 14,5 миллион сўм узоқ муддатли қарз ажратилди.

Ўз имкониятига яраша уй-жой қураётганларга ҳар томонлама ёрдам ва мадад кўрсатилмоқда. Ишбилармонларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли етарли миқдорда иморатбоп ёғочлар, қувурлар келтирилди. Қайд қилишларича, қисқа вақт ичида 150 минг куб ёғоч, юз мингта шифер, 300 километрга етадиган қувурлар айирбошлаш ҳисобига олиб келинган. Район Кенгаши сессияларида, мажлисларида долзарб масала мунтазам муҳокама этилиб, тегишли қарорлар қабул қилинмоқда. Жумладан, район кенгаши ўн биринчи сессиясида ариқ, анҳор, сой, дарё қирғоқларида теракзорлар, толзорлар барпо этишга қарор қилинди. Кам таъминланган 23 оилага бепул уй қуриб берилади.

ОНА ЕР МУҚАДДАС

Қурувчилик фахрли касб. Бугунги кунда қўли гул кишилар бунёд этган Бухоро, Самарқанд, Хива, Қўқон, Тошкентдаги обидалар барчани мафтун этиб келаяпти. Меҳмонларимиз аждодларимизнинг ақл-заковатига, истеъдодига қойил қолишмоқда. Ватан остонадан бошланади, дейишади. Ҳақ гап. Агар киши ўзи туғилиб ўсган уйига меҳр қўймаса, юртига ҳам меҳри бўлмайди. Шу ўринда Президентимиз И. А. Каримовнинг қуйидаги сўзларини келтириш ғоят ўринли: «Лоф туйилса ҳам айтишим керак: бизда она заминга меҳр алоҳида эътиқод даражасига кўтарилган. Бу тупроқдан ҳеч ким ўз ихтиёри билан бош олиб кетган эмас. Кетишга мажбур этилганлари ҳам мана бугун қайтиб келишаяпти».

Ҳа, мустақиллик шарофати туфайли халқимизнинг асрий орзуси рўёбга чиқяпти. Нарх-наво кўтарилиб кетганлиги ҳаёт кечиришни қийинлаштирган бўлса-да, одамлар эртанги кунга комил ишонч билан боқишмоқда. Сабаби ғамхўр Президентимиз, ҳукуматимиз мустақил Ўзбекистон халқини тангликдан иложи борича тезроқ олиб чиқиш учун барча имкониятларни ишга солишмоқда. Буни наманганликлар ҳам қалбдан ҳис этишмоқда.

— Уч йил ичида Наманганимиз ўзгариб кетди, — дейди «Узколхозстрой» республика давлат ширкат бирлашмасининг вилоятдаги 1-трести бошқарувчиси Шавкатжон Икромов. — Жамоамиз қурувчилари ҳамжиҳатликда ишлаб шаҳар ва қишлоқларда 42.409 квадрат метр турар жой биноларини фойдаланишга топширишди. Шунингдек, Наманган районидаги «Ижодкор», «Зарбдор», «Пахтаобод» хўжаликларига амалий ёрдам кўрсатилди. Норин районида қад ростлаган шинам бинолар кўпчиликка ғоят манзур бўлди.

Ҳар йили баҳор фаслида табиат деҳқонларга қийинчиликлар туғдиради. Катта майдонлардаги экинзорлар, маъмурий бинолар, йўл-кўприклар, аҳоли уйлари зарар кўради. Шундай пайтда қурувчиларимиз кўмакка отланадилар. Ўтган йили Янгиқўрғон, Тўрақўрғон районларида, Қирғизистон Республикасида шошилинч ишларни амалга оширдик. Деҳқон мушкулини осон этишда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қурувчилар Эргашбой Холматов, Тўхтасин Фозилов, Иззатилла Расулов каби қўли гул дурадгорлар ҳиссаси алоҳида бўлди.

ИНСОФ САРИ БАРАКА

АҲОЛИНИ уй-жой ва томорқа билан таъминлаш хусусидаги ҳаётбахш тадбирлардан Наманган шаҳри кишилари ҳам баҳраманд. Икки йил ичида вилоят марказида 632.202 квадрат метр турар жойлар қурилди, 1.445 оилага квартираларнинг калитлари топширилди. 2.630 оила яшаш шароитини яхшилади. 80 дан знёд корхона, ташкилот, муассаса бунёдкорлик ишларида фаол қатнашди. 305 ишчи ва хизматчи айирбошлаш йўли билан турмуш шароитларини кўнгилдагидай қилиб олди.

Шунга қарамасдан муҳим ишда камчиликлар, муаммолар бор. Аввало нарх-наво кўтарилганлиги оқибатида маҳаллий бюджет, корхона, ташкилотлар ҳисобидан қурилишлар кескин камайди. Фақат ўз ҳаловатини, манфаатини ўйлаётган айрим кимсалар виждонга зид иш юритишмоқда. Текширишлар натижасида 40 та уйда тамоман бошқа шахслар яшаётгани, 18 таси эса тамоман бўш ётганлиги маълум бўлди. Квартираларнинг маълум қисми муҳтож кишиларга олиб берилди.

Наманган шаҳрида якка тартибда уй-жой қуриш давом этмоқда. Вилоят ҳокими томонидан яқин районлар ерларидан 430 гектари шаҳар уй-жой қуриш ва тақсимлаш бошқармаси ихтиёрига олиб берилди. Шу ҳисобдан 3.325 оила янги уй қуриш имконига эга бўлди. Шубҳасиз, биринчи навбатда уруш қатнашчилари, байналмилалчи жангчилар ва бошқа имтиёзли кишиларга эътибор қаратилади. Уй-жой ҳамиша танқис. Бу борада тўла адолат ўрнатилиши керак. Мутасадди кишилар масалага давлат нуқтаи назаридан ёндашаётганликлари, муаммолар изчил ҳал этилаётганлиги эътиборга лойиқ.

Республикамизда маҳалла хайрия жамғармаси ташкил этилганлиги айни муддат бўлди. Наманган шаҳридаги 48 маҳаллада муҳтож кишилар рўйхати олиниб, 3.401 оилага уй-жой бериш тавсия этилди. Ўз навбатида хайрия жамғармаси томонидан ҳам ана шу мақсадлар учун маблағ ажратиляпти. Икки йил мобайнида янги қад ростлаган даҳаларда одамларнинг яшаш шароитларини яхшилаш учун 10 миллион сўм маблағ сарфланди. Нуробод, Ахсикент, Пахталиқўл, Тахтақўприк деб номланган массивларда 10 километрдан знёд газлаштириш, водопроводлаштириш, 12 километрда электрлаштириш ишлари бажарилди. Наманган маркази кенгайиб, йўлдош шаҳарчалар кўпаймоқда.

Наманган вилояти меҳнаткашлари Президентимиз И. А. Каримов атрофида янада маҳкам жипслашиб, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш ишига муносиб ҳисса қўшишга астойдил ҳаракат қилмоқдалар. Ҳаётбахш фармонлар меҳнаткашларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоялаш, бозор муаммоларини ҳал этишнинг асосий таянчи бўлмоқда. Далаларда, боғларда, фермаларда яратувчилик меҳнати жўш ўрмоқда.

Абдунаби ҚОРАБОЕВ,
Мирғиёс ҚАЮМОВ,
«Қишлоқ ҳақиқати»нинг махсус мухбирлари.

● Наманган «Узсельхозхимия» бирлашмасининг атлас тўқиш цехи ишчилари қувончли ютуқларни қўлга киритишмоқда. Улар тайёр маҳсулот ўзининг сифатлилиги, юқори сифатлилиги билан ажралиб туради.

СУРАТДА: бригада бошлиғи М. Хўжаев (чапда), тўқувчи М. Отахонова ва ишчи Х. Шамсиддинов тайёр маҳсулотларни кўздан кечиришмоқда.

Н. ЭРГАШЕВ олган суратлар.

Жиноятчиликка қарши муросасиз курашайлик

ЭСИЗ ОДАМГАРЧИЛИК

Кўпинча қора курсида ўтирган йигитларга, аёлларга куюнчаклик билан назар ташлар эканман, ҳаёлимда бир савол жонланади: «Нега энди ҳаётнинг энг гўзал дамларида булар жиноятга қўл уришди, умрни хазон қилишди?». Воқеалар жараёнида ҳаммаси ойдинлашади. Оиладаги муҳитга, тарбияга, инсон иродасига кўп нарса боғлиқ. Ачинарлиси шуки, аксарият йигитлар қилмишларига пушаймон бўлиб, кўзларига ёш олиб менг бор кечирим сўрашади. Аммо сўнгги пушаймон ўзингга душман. Жиноят қилдингми одил суд олдида жавоб бериш керак.

Касбим ниҳоятда нозик эканлигини, инсон тақдири ҳал этилаётганда асло хатога йўл қўйиш мумкин эмаслигини қалбдан ҳис қиламан. Айни пайтда қонунга қатъий риоя қилган ҳолда ҳар қандай шароитда ҳам бурчимни виждонан бажаришга киришаман. Қуйидаги фуқаролар тақдирига, қилмишига бир назар ташлайлик. Беихтиёр эсиз умр, эсиз одамгарчилик дейсиз.

Ўктам Нормуродов бели оғримай пул топишга ўрганди. Тарки одат амри маҳол деганларидек, имкони бўлди дегунча ғаразли ниятини амалга оширишга киришади. У аввал судланиб ҳукм ижроси кечиктирилганлигига қарамай кўзи очилмади. Ўша куни қаттиқ совуқ тушди. Бундан фойдаланган Нормуродов неча кундан буён дилига тугиб қўйган ниятини амалга оширишга киришди. Қишлоқ узра қоронғулик чўкди. Кун бўйи меҳнат қилиб чарчаган кишилар дам олишарди. Пахтаобод қўрғони маданияти кўчаси бўйлаб бир шарпа кезарди. У 8-уй ёнига келиб ён-атрофни синчковлик билан кўздан кечирди. Ҳеч ким йўқлигига ишонч ҳосил қилгач девордан ошиб ховлига тушди. Чаққон ҳаракат қилиб «Москвич-412» автомашинасининг чап ғилдирагини ечиб олди ва зумда кўздан ғойиб бўлди.

Ўктам Нормуродов ови бароридан келганидан боши осмонда эди. Бир-икки кун роса яйради. Қўлидаги пул тугагач, яна кимнингдир мулкига кўз олайтира бошлади. Қишлоқма-қишлоқ кезди. Ярим кечада мўлжалга олинган уйни, ён-атрофдаги шарт-шароитни пухта ўргангач галдаги «ов»га киришди. Ярим кеча. Борлиқ узра сукунат чўккан. Фақат аҳён-аҳёнда бевақт қичқирган хўрозларнинг товуши эшитилади. Нормуродов устаси фаранглардан. Бир ишга жазм қилдими уни ҳеч қандай далил-ашё қолдирмай ниҳоясига етказишга ҳаракат қилади. Белгиланган вақтда Пахтаобод қўрғони дорихона кўчасидаги 3-уй ёнгинасида жойлашган гаражнинг қулфини бузди. Машинани ўт олдириб, шиддат билан ҳайдаб кетди. Йўлда ҳали вояга етмаган Шуҳрат Очиловни учратиб, унн шаҳардан арақ олиб келамиз, сен машинани яхши ҳайдайсан, деб қўйарда-қўймай рулга ўтказади. Учарнинг кайфи чоғ эди. Ниҳоят яп-янги машина қўлга киритилди. Энди унн эсон-омон «эгаси»га топширса бас. Пичоғи мой устида. Фақат вақтни ўткамай ўта ҳушёрлик билан ҳаракат қилиш керак. У шу хаёлда Шуҳрат Очиловга «Тезроқ ҳайда» дея буйруқ берди. Машина қоронғи йўлдан шиддат билан борарди. Пахтаобод—Зарбдор муюлишига етганида ҳайдовчи машинани бошқаролмай эсанкираб қолди. «Жигули» йўлнинг пастки қисмига ағдарилиб кетди. Нормуродов қанчалик қилмасин машинани катта йўлга чиқара олмади. Шундан сўнг магнитафон, аккумулятор ва бошқа эҳтиёт қисмларини ўмариб жуфтакни ростлаб қолди. Бироқ қинғир ишнинг қийиғи қирқ йилдан кейин ҳам билинади. Ўғри узоққа боролмади. Хушёр милиция ходимлари уни қўлга олдилар. Ўғри, ҳаётини фақат ёмонликка тиккан, неча бор жиноят содир этган Ўктам Нормуродов барча қилмишларига яраша мумуносиб жазо олди: узоқ муддатга озодликдан маҳрум этилди.

Рустам Хотамов Норин районида туғилган. Кўринишдан содда, очиқ кўнгил йигит бўлиб кўринади. Лекин инсоннинг сиртига қараб аниқ хулоса қилиш қийин экан. У тенгқурлари қатори ҳалол меҳнат қилиб, бахтли ҳаёт кечириши мумкин эди. Афсуски баъзи ёшлар бахтининг, ширин ҳаётнинг қадрига етишмайди. Уларга «Яшашдан мақсад нима?» деб савол берсангиз ақлли бир жавоб ҳам беришолмайди. Яна такрорлайман, жуда кўп йигитлар ёмонларнинг тузоғига илиниб қолишганини сезишмайди. Бунинг устига ёшлар тарбиясига эътибор сусайиб кетди. Бозор шароитида алдам-қалдамлар кўпайди. Бу ишламай мўмай пул топиш орзусида бўлган кимсаларга қўл келди. Президентимиз И. А. Каримов жиноятчиликка қарши муросасиз кураш бошлаганлиги жуда улуғ иш бўлди. Эл мулкини туя қилаётган, оғир жиноятларга қўл ураётган ёвузлар, учарлар, ташмачилар муносиб жазоларини олишмоқда. Эндигина 19 ёшга тўлган Рустам Хотамов тақдири ҳам бунга мисолдир. У бошқалар қатори «Фарғона» давлат хўжалигида сидқидил тер тўкишни истамади. Кўчама-кўча тентираб айш-ишрат қилишни орзу қиларди. Бунинг учун пул керак эди. Бир куни ҳамтовоғи Фарид Қулматов билан гапни бир ерга қўйди. Ярим кечада совхознинг Ўринов кўчаси 10-уйда яшовчи Набижон Солиев ховлисига ўғирликка тушди. Дарвоза ёнида турган мотоциклни икковлон олиб қочишди. Йўлда унинг номерини синдириб улоқтиришди. Тунги шарпалар мотоциклни белгиланган жойга яшириб уйларига тарқалишди. Бироқ милиция ходимлари уларнинг изига тушишганди. Оқибат натижада Р. Хотамов, Ф. Қулматов уч йилу олти ойга озодликдан маҳрум этилдилар. Энг ёмони улар эл-юрт олдида шармандаю шармисор бўлдилар.

Оқолтин районидаги С. Сидиқов номли давлат хўжалигида Бахтиёр Тахтиевни яхши дурадгор сифатида билишарди. Ўз ишининг устаси, топиш-тутиши ҳам чакки эмас. Афсуски, Бахтиёр кўнгил кўчасига кирди. Ёмонларга қўшилди, нима қилиб бўлса ҳам мўмай пул топишга уринди. Бир куни тайёрлов идорасига қарашли тижорат дўконининг эшигини бузиб қимматбаҳо чет эл молларини ўмарди. Лекин молларни сотиб улгурмасдан қонун соқчилари томонидан қўлга олинди. У билан суҳбатлашганимда кўзига ёш олиб тавба тазарру қилар, оила аъзолари, дўстлари олдида юзи шувит бўлганидан куйинарди. Хўш, наҳотки Бахтиёрга ўхшаган йигитларимиз ўғирлик албатта кулфат келтиришини олдинроқ тасаввур этишолмаса.. Ёш умрини хазон қилган, янглишиб ёки кимларнингдир уйдирмасига учиб жиноятга қўл урган бундай фуқаролар тақдири ғоят ачинарлидир. Ахир, ҳалол меҳнат қилиб, ҳаётда ёруғ юз билан яшаганга не етсин! Мен бундайларга қарата: «Кўзингизни очинг, бир марта бериладиган ҳаётни увол қилманг» дегим келади.

Рўза Сахабутдинова Челябинск вилоятининг Златоус шаҳрида туғилган. Татар фарзанди. Тақдир тақозоси билан Ўзбекистонга келиб қолган. Унинг қилмишлари кейинчалик аниқ-равшан маълум бўлди. Кўп бор судланган, қайта-қайта жиноятга қўл урган экан. У Сардоба посёлкасида истиқомат қилувчи Феруза исмли дугонасининг уйига меҳмонга келади. Хонадон соҳибаси овқат тайёрлаш ташвишида бўлганида эгриқўл Сахабутдинова тортмадан 2.928 сўм пулни ўмариб кўздан ғойиб бўлади. Бироқ 15 кун ичида у қўлга тушади. Одил суд умр бўйи фойдали меҳнат билан шуғулланмай фақат бировларнинг мулкига кўз олайтириб келаётган тарбияси бузуқ бу аёлни 8 йил қамоқ жазосига ҳукм қилди.

Биз — маъмурий органларнинг ходимлари жойларда тез-тез бўлиб омма ўртасида кенг тушунтириш ишларини олиб бораяпмиз. Одамлар ҳукуматимиз жиноятчиликка қарши қўллаётган чора-тадбирларни яқдиллик билан қўллаб-қувватлаётганликларининг гувоҳи бўламиз. Буни тушуниш мумкин. Ахир халқимиз тинч, хотиржам бўлгандагина кўнгилдаги оппоқ ниятлар рўёбга чиқади.

Қ. МИРЗАЕВ,
Оқолтин район халқ судининг раиси.

Пахтакор райони меҳнат аҳлига маниший хизмат кўрсатишда «Ширин» ошхонаси ходимларининг улуши алоҳидадир. Айниқса тушки дам олиш соатларида бу ер чўлқуварлар билан гавжум бўлади. Қўли гул ошпазлар тайёрлаётган мазали таомлар барчага манзур бўлмоқда. Миллий усулда жиҳозланган чойхонада ҳам хўрандалар учун барча шароит муҳайё этилган.

СУРАТЛАРДА: 1. Миллий таомлар тайёрлаш усталари Фарҳод Примов ва Неъмат Расулов. 2. Ошхона ходими Наталия Кўбаева хизматидан чўлқуварлар мамнун.

Н. АЛМУРОДОВ олган суратлар.

ҚЎЛИ ГУЛ ШИФОКОР

Кечқурун ишдан қайтаётиб Тоҳиржон ўзини ёмон ҳис қила бошлади. Атрофдагиларнинг кўмаги билан «тез ёрдам»да Денов шаҳар касалхонасининг юрак хасталиклари бўлимига келтирилди. Беморнинг аҳволи оғир эди. Шифокор Ҳуррам Маҳмадалиев шошилинч чора-тадбирлар кўрди. Бахти бор экан, Тоҳиржон тез кунда оёққа турди.

Ҳа, Денов шаҳридаги касалхона ҳақида сўз кетганида албатта Ҳуррам Маҳмадалиев тўғрисида илиқ сўзлар айтишади. Биз ҳам бу шифокорни излаб борганимизда беморларни муолажадан ўтказаётган экан.

Ўз касбининг фидойиси бўлмиш бу инсон ўттиз йилдан буён шу касалхонада беморлар дардига малҳам бўлиб келаяпти. Ҳуррам Тошкент тиббиёт олий билимгоҳни тугатгандан сўнг ўзи туғилиб ўсган юртга йўлланма олди. Йиллар мобайнида сидқидил тер тўкди, тажриба орттирди. Юрак хасталигини даволашнинг замонавий усулларидан кенг фойдаланди. Изланиш, интилувчанлик туфайли энг қобилиятли шифокорлардан бирига айланди. Олтинсой, Шўрчи, Узун, Сариосиё районларидан уни беморлар йўқлаб келаётганлигининг боиси ҳам шунда.

Касалхонада барча шарт-шароитлар муҳайё. Беморлар яхши даволанишлари учун ҳатто хорижий мамлакатлардан асбоб-ускуналар келтирилган.

— Юрак хасталиги билан оғриган беморга ниҳоятда яхши муомала қилишимиз лозим, — фикрини ифодалайди Тоҳиржон. — Агар бемор бирон нарсадан озгина хафа бўлса муолажа ўз кучини йўқотади. Айниқса бизнинг соҳада фидойи инсонлар ишлаши керак.

Хоналарни айланиб беморлар билан дилдан суҳбатлашамиз.

— Олтинсой районидан нажот излаб келдим, —дейди Б. Аҳмедов. — Узоқ йилдан буён юрак безовта қилади. Учрашмаган шифокорим қолмади ҳисоб, лекин мушкулим осон бўлмади. Мазкур касалхонага келганимдан буён шукурки яхшиман. Қўли енгил шифокор Ҳ. Маҳмадалиевдан ғоят миннатдорман. Нажоткорлар албатта тузалиб кетасиз, дейишяпти...

Шунингдек А. Аҳ[illegible]зов, Б. Кенжаев, А. Раҳимов ҳам ўз миннатдорчиликларини изҳор этдилар.

Н. МИРЗАҚУЛОВ.

ҚАДР-ҚИЙМАТ ҲАҚИДА

Маннон Уйғур номидаги Сурхондарё вилояти мусиқали драма театри драматург Ҳуррам Мақсадқуловнинг «Садоқатли арвоҳ» пьесасини саҳналаштирди. Асар қаҳрамонлари бизнинг замондошларимиз бўлиб, унда инсон тақдири, қадр-қиймати чуқур руҳий ўй-кечинмалари акс эттирилади.

• Спорт • Спорт • Спорт

ШАХМАТ

Эркаклар ўртасида шахмат тожи учун баҳслар тақдири чигал тус олмоқда. Жаҳон чемпиони Гарри Каспаров ва тож талабгори Найжел Шорт халқаро шахмат федерацияси (ФИДЕ) етакчилигида мусобақалашишдан бош тортганларидан сўнг ФИДЕ уларга қарши жазо чораларини ишга солди. Каспаров чемпионлик, Шорт эса даъвогарлик унвонидан маҳрум этилди. Тегишли маслаҳатлашувлар ўтказилгач жаҳон шахмат тожи учун А. Карпов ва Я. Тимман ўртасида баҳс уюштириладиган бўлди.

Кенг жамоатчилик бу хусусдаги хабарларни аввало ҳазил деб қабул қилди. Лекин Тимман ҳам, Карпов ҳам жаҳон шахмат тожи учун дона суришга розилик беришди. Натижада жуда ғалати ҳолат юзага келди. Ҳозирги жаҳон чемпиони Каспаров ва Шорт ўз ҳолича, Карпов ва Тимман алоҳида тож учун баҳсга киришиши мўлжалланмоқда.

Каспаров — Шорт мусобақаси шу йил 15 сентябрда Лондондаги «Савой» театрида бошланиши кутилмоқда. Карпов ва Тимман баҳси қаерда ўтиши масаласи эса ФИДЕ ижроия қўмитасининг шу йил 15—16 майда бўладиган йиғилишида кўриб чиқилади.

* * *

Аёллар ўртасида шахмат бўйича жаҳон биринчилиги эса ноябрь ойида Монакода бошланади. Ҳозирча эса ушбу шаҳарда кучли шахматчилар ўртасида халқаро мусобақа давом этмоқда. Шунисн диққатга созоворки, баҳсларда эркаклар билан бир қаторда венгриялик опа-сингил Жужа ва Юдит Полгарлар ҳам иштирок этмоқда. Улар асло бўш келаётгани йўқ. Чунончи 8 турдан сўнг Юдит Полгар 9,5 очко билан пешқадамлар гуруҳида бормоқда.

ФУТБОЛ

Узбекистон чемпионати олий табақасида учинчи тур учрашувлари бўлиб, қуйидаги натижалар қайд этилди: «Чирчиқ» — «Пахтакор» — 2:3, «Бинокор» — Нурафшон» — 1:0, «Сўғдиёна» — «Ороол» — 3:0, «Динамо» — «Косонсойчи» — 2:0, «Янгиер» — «Навбаҳор»— 1:1, «Нефтчи» — «Темирйўлчи» — 1:0, «Наврўз»— «Шифокор» — 4:0.

Чемпионатда ҳозирча Тошкент пахтакорчилари пешқадамлик қилишмоқда. Улар уч ўйинидан олти очко жамғаришди. «Сўғдиёна» 5 очко билан иккинчи ўринда бормоқда. Бирваракайига беш жамоа 4 очкога эга. «Трактор», «Чирчиқ» жамоалари ҳисобида эса умуман очко йўқ.

Навбатдаги тур ўйинлари 9 апрелда ўтказилади.

Спорт • Спорт • Спорт •

«ҚИШЛОҚ ҲАҚИҚАТИ»НИНГ **«Ҳожатбарор»** ТАРҒИБОТ-ТИЖОРАТ ХИЗМАТИ

МУЛОҚОТ УЧУН ТЕЛ: 33-44-43, 32-54-44, 32-56-34, 32-56-25

БУЮРТМАЛАРИНГИЗ ТЕЗДА АДО ЭТИЛАДИ

ОМАД КЕЛСА,
БИР ЗУМДА МИЛЛИОНЕР БЎЛАСИЗ

ҲА, АГАР ОМАД ҚУЛИБ БОҚСА, БИР ЛАҲЗАДА МИЛЛИОНЛАРГА ЭГА БЎЛАСИЗ! МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЛАҲЗАЛИК ЛОТЕРЕЯСИНИ СОТИБ ОЛСАНГИЗ, СИЗДА ШУНДАЙ ИМКОНИЯТ ТУҒИЛАДИ. РЕСПУБЛИКАМИЗНИНГ МИНГЛАБ ФУҚАРОЛАРИ ОМАДЛАРИНИ СИНАБ ҚУРИШИБ, КАТТА ЮТУҚ ЧИҚИШИГА ИШОНЧ ҲОСИЛ ҚИЛДИЛАР.

25 МИЛЛИОН, 15 МИЛЛИОН, 10 МИЛЛИОН, 5 МИЛЛИОН, 1 МИЛЛИОН, 500 МИНГ СУМЛИК ВА БОШҚА ЮТУҚЛАР ЎЗ ЭГАЛАРИНИ КУТМОҚДА!

ҲАР БИРИНИНГ ҚИЙМАТИ 100, 200 ВА 500 СУМЛИК БЎЛГАН ЛАҲЗАДА ЎЙНАЛАДИГАН ЛОТЕРЕЯ БИЛЕТЛАРИ ЖАМҒАРМА БАНКИ МУАССАСАЛАРИДА ВА ЖАМОАТЧИ ТАРҚАТУВЧИЛАР ТОМОНИДАН СОТИЛМОҚДА.

БИЛЕТЛАР СОТИЛАЁТГАН МУАССАСАЛАРДА ЛОТЕРЕЯ ШАРТЛАРИ ҲАҚИДА ТЎЛИҚ МАЪЛУМОТ ОЛИШИНГИЗ МУМКИН. ҚУЙИДАГИ РАҚАМЛИ ТЕЛЕФОНЛАРГА ҚЎНҒИРОҚ ҚИЛСАНГИЗ ҲАМ ЛАҲЗАДА ЎЙНАЛАДИГАН ЛОТЕРЕЯ ҲАҚИДА ТУШИНТИРИШ БЕРИШАДИ: 54-26-31; 33-51-95; 45-66-43.

ОМАД ЁР БЎЛСИН!

«ЭКОСАН» жамғармаси **«Восток» фирмаси** **Ўзбекистон Жамғарма банки.**

АНДИЖОН ЯНҒИЛИКЛАРИ

БАЙРАМГА СОВҒА

● **Жалолқудуқ тумани маркази Охунбобоев шаҳрида ёпиқ бозор бинося қурила бошланди. Уни 124-хўжаликлараро механизмлашган кўчма колонна жамоаси бунёд этмоқда. Тумандаги хўжаликлар, саховатпеша саркоядорлар, кичик корхоналар бу қурилишга ҳомийлик қилмоқда. Шарқона иншоот шу йилнинг 1 сентябри — республикамиз Мустақиллиги кунида ишга тушади.**

ҚИЗЛАР БАҲСИ

● **Булоқбошининг Улуғбек номидаги жамоа хўжалигида тумаи хотин-қизларининг «Иқбол» деб номланган танлови бўлди. Унинг қатнашчилари алла айтиш, рақсга тушиш, чойшаб ёки дўппига гул тикиш, пазандаликда ўз маҳоратларини намойиш этишди. 1-ўрта мактаб ўқитувчиси Башорат Сиддиқова танлов ғолиби бўлди.**

ОИЛАВИЙ КОРХОНА

● **Шаҳрихон туманидаги Боғишамол қишлоғида «Лола кичик корхонаси ишга тушди. Унинг жамоаси Долимовлар оила аъзоларидан иборат. Бу ерда чиқарилаётган устки кийим-кечак, аёллар пайпоғи, колготкалар бозор нархидан анча арзон сотилмоқда.**

● Қўзичоқлар.

Н. МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.

Қутлаймиз

Қадрли Холиқ Тўйчиев!

Барча дўст-ёронларингиз, қариндош-уруғларингиз ва қадрдонларингиз номидан қутлуғ 60 ёшингиз билан чин дилдан муборакбод этамиз. Қирқ йилдан бери сидқидил меҳнат қилиб келаётганлигингиз, Пайариқ район қурилиш ашёлари ва хўжалик моллари билан савдо қилувчи ташкилотда ўзингизга яраша обрў-эътибор қозонганлигингиз туфайли кўпчиликнинг эътирофига сазовор бўлдингиз. Қатор-қатор фарзандларингиз, набираларингиз бағрида доимо соғ-саломат бўлишингизни, уларга бош бўлиб юришингизни тилаймиз.

Қариндош-уруғ, касбдошлару қадрдонларингиз номидан: О. АСҚАРОВ.

СИНФДОШЛАР ДИЙДОРЛАШУВГА ЧОРЛАЙДИЛАР

Иштихон район Митан қўрғонидаги собиқ Карл Маркс номли 41-ўрта мактабнинг 11-синфини 1962-63 ўқув йилида тугатган синфдошлар шу йил 22 май—шанба куни ўттиз йилдан сўнг дийдорлашув кечасини ўтказадилар. Қадрдон мактабда эрталабдан бошланадиган ана шу ҳаяжонли ва тантанали учрашувга лутфан таклиф этамиз.

Синфдошларнинг ташаббускор гуруҳи.

ЮК АВТОМАШИНАСИ СОТИЛАДИ

1983 йилда ишлаб чиқарилган «Урал» маркали юк автомашинаси сотилади ёки асаларичиларга алмаштирилади. Тошкентдаги 75-66-42 рақамли телефонга соат эрталаб 10 дан 17.00 гача қўнғироқ қилишингиз мумкин.

Тошкентдаги «Шаш» брокерлик фирмаси тугатилди. Барча даъволар, эълон чиққан кундан бошлаб бир ой давомида қабул қилинади.

Бош муҳаррир Н. ЕҚУБОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: Н. ҚАЮМОВ, М. ИСЛОМОВ, М. МИРЗАЕВ, Ҳ. РАҲМАТИЛЛАЕВ, М. ҚАЮМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), С. САЙДАЛИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), О. ҒОФУРОВ, (масъул котиб), Н. ОРИФЖОНОВ, К. РИҲСИЕВ, Э. ИБРОҲИМОВ, Р. БОБОМУҲАМЕДОВ.

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, «Узплодоовощвинпром» концерни, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, «Қишлоқ ҳақиқати» журналистлари жамоаси.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32

ТЕЛЕФОНЛАР, Муҳаррир ўринбосарлари —33-44-43, 33-16-27. Масъул котиб—33-09-93, Масъул котиб ўринбосарлари—32-56-25. Деҳқончилик бўлими—32-56-35, 32-54-51, 33-09-93. Қайта ишлаш саноати бўлими—32-56-31. Ижтимоий ҳаёт бўлими — 32-56-34. Чорвачилик бўлими—32-56-22. Мелиорация ва қишлоқ қурилиши бўлими — 32-56-33. Маданият, адабиёт ва санъат бўлими — 32-56-36, 33-09-93. Ахборот ва спорт бўлими — 32-54-54. Шикоят, хат ва маъмурий органлар бўлими — 32-54-49, 32-54-52. Безатиш бўлими — 32-58-79.

Рўйхатдан ўтиш тартиб № 000096. Буюртма Г—170. 31830. нусхада босилди, ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А—2. Босишга топшириш вақти 21.00. Босишга топширилди — 22.00

Ўзбекистон Республикаси Президенти Маҳкамасининг Ишлар бошқармаси ҳузуридаги «Шарқ» нашриёт-матбаа концерн. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6.